201 A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 144 (144), 2020 йил 4 август, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифати ва ишончлилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, жумладан, халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида холис ва ишончли акс эттиришни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, статистика маълумотлари сифатини янада яхшилаш, статистика кўрсаткичларининг тўлақонли маълумот базаларини яратиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва демографик соҳаларда статистиканинг замонавий усулларини жорий этиш зарурати мавжуд.

Миллий статистика тизимини такомиллаштириш, давлат статистика органларининг мустақиллигини таъминлаш, статистика маълумотларининг холислиги ва ишончлилигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини такомиллаштиришнинг **қуйидаги устувор йўналишлари белгилансин:**

статистика органларини талаб юқори бўлган, сифатли ва ишончли маълумотларни шакллантиришга, статистика маълумотларининг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган профессионал мустақил хизматга айлантириш;

статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга оширишга қаратилган ваколат ва мажбуриятларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш;

илғор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва сақлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш;

расмий статистикани ишлаб чиқариш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатнинг бутун миллий статистика тизими доирасида қўлланиладиган услубий асослар ва бошқарув тамойилларини такомиллаштириш;

идоравий маълумотлар базаларини ягона маълумотларни бошқариш тизимига интеграция қилиш орқали кузатувларни босқичма-босқич оптималлаштириш ва респондентлардан ҳисобот топшириш юкини камайтириш, шунингдек, рўйхатга олиш ишларини ўтказиш ва ялпи статистика ҳисоботларини танланма кузатувлар билан алмаштириш ҳисобига статистикани шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

статистика маълумотларидан фойдаланувчилар билан самарали ҳамкорлик сиёсатини йўлга қўйиш ва мавжуд статистика маълумотлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш орқали фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига бўлган ишончини ошириш;

Давоми 2-бетда

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ҲУНАР — ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлаш мақсадида кўп ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон ҳунармандлар уюшмаси раиси Улуғбек АБДУЛЛАЕВ билан суҳбатимиз ҳам халқ бадиий ҳунармандчилигида бу борада амалга оширилаётган ишлар, ютуқлар ва келажакдаги режалар хусусида бўлди.

— Коронавирус пандемияси барча соҳалар қатори ҳунармандчилик ривожига ҳам сезиларли таъсир қилди, албатта. Тизимда ушбу таъсирни камайтириш мақсадида қандай чоралар кўрилмоқда?

— Тўғри, бошқа соҳалар каби ҳунармандчилик ҳам жиддий синовларни бошидан кечяпти. Асосий савдо жойлари сайёҳлик йўналишларида жойлашганини инобатга олсак, бунинг таъсири қанчалик чуқур эканини англаб етамиз.

Давоми 4-бетда

Муносабат

ИНСОН МАНФААТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ҳар сафар Президентимизнинг янги фармон ёки қарори эълон қилинганда, давлатимиз раҳбари ўтказган видеоселектор йиғилишлар қайси соҳага бағишланмасин, уларда, энг аввало, инсонга бўлган эътибор, аҳоли турмуш фаровонлигининг ортиши, халқ саломатлиги биринчи ўринга қўйиб келинмоқда.

Халқимиз пандемиянинг синовли кунларида ғамхўрлик, қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда ёки бошқа соҳалардаги ислоҳотлар бардавомлигини ҳис қилмоқда.

Қурбон ҳайити арафасида эълон қилинган "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон ҳам фикримизнинг далилидир.

Давоми 3-бетда

Мушоҳада

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси
Марказий кенгаши раиси

Covid-19 туфайли дунё аҳли янги тартиб-қоидаларга кўника бошлади. Чунки хавф даражаси юқорилигича қоляпти. ОАВда дунё бўйича кунига ўртача 250 минг кишининг вирус юқтираётгани тўғрисида хабарлар тарқатилаётгани ҳам бежиз эмас. Гарчи айрим мамлакатларда коронавирусга қарши вакцина яратилган бўлса-да, у билан 2021 йилнинг охирларида одамларни эмлаш бошланиши айтилмоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди

Фармонга мувофиқ,

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш бўйича қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди:

- ҳар бир оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда мобиль гуруҳлар ташкил қилинади ҳамда улар учун соддалаштирилган йўриқнома ишлаб чиқилади;
- лаборатория текшируви амалиётига хусусий секторни жалб қилган ҳолда экспресс-тест ва иммунофермент таҳлили усуллари киритилади;
- аҳоли томонидан мурожаат қилинганда ҳамда уларда касаллик белгилари аниқланганда тезкорлик билан коронавирус инфекциясига таҳлил олиш ва таҳлил натижаларини 3 кунлик муддатда уларни шахсий телефон рақамлари орқали хабардор қилиш чоралари кўрилади;
- тиббиёт муассасалари ўртасидаги ахборот алмашиш тизими соддалаштирилади — ҳисоботлар тури, даврийлиги ва бошқа қоғозбозликлар билан боғлиқ жараёнлар электрон тизимга ўтказилади.

Унга кўра:

- қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда коронавирус касаллигига чалинган беморларга уй шароитида ёрдам кўрсатишнинг тегишли тартиби жорий қилинади.
- ҳар бир оилавий поликлиника кесимида умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси учун аниқ хонадонлар тақсимланади ҳамда умумий назорат оилавий поликлиника мудири томонидан амалга оширилади;
- ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида тажрибали шифокорлардан иборат бўлган касалликка чалинган беморларни саралаш ва эвакуация қилиш, даволаш жараёнини мониторинг қилиш гуруҳлари тузилади;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида бирламчи бўғин шифокорлари билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг врачлари оператив маслаҳатлашиш ва беморлар аҳволини тўғри баҳолай олиш имконини берадиган алоқа тизими ўрнатилади;
- оилавий поликлиника мудири ҳар куни касаллиги симптомсиз, енгил кечаётган беморлар, улар билан мулоқотда бўлган шахслар сони, аҳволи, шунингдек, даволаш муолажаларини олаётган беморларда касаллик кечиш динамикаси тўғрисидаги маълумотларни телефон ёки онлайн видеоалоқа тизими орқали туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг оилавий поликлиникалар бўйича координаторига етказиб боради;
- уй шароитида даволанаётган беморлар аҳволи динамикасида салбий ўзгаришлар кузатилган тақдирда мобиль гуруҳга мурожаат қилиб, беморни туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлган тиббиёт муассасаларига ётқизиш чораларини кўради.

Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига ("темир дафтар") киритилган ва аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилага республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш белгиланиб, бунинг учун қўшимча 380 миллиард сўм ажратилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 август, 144-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

давлат статистика органлари фаолиятини моддий-техник қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг самарали жорий этилиши ҳисобига ҳудудий статистика органлари тузилмалари ва уларнинг вазифаларини босқичма-босқич мақбуллаштириш;

давлат статистика органлари ходимларининг касбий даражасини ошириш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда келгусида амалиётда қўллаш учун илғор статистика усуллари ва технологиялари, шу жумладан, очиқ маълумотлар соҳасида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Давлат статистика қўмитаси расмий статистикани шакллантириш билан боғлиқ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда амалга ошириди;

статистика органларининг қонуний фаолиятига, шу жумладан, расмий статистика ҳисоботлари ва кузатувларини ўтказиш ҳамда уларни нашр қилиш ва эълон қилиш жараёнларига **ҳар қандай аралашишга йўл қўйилмайди;**

Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган статистика маълумотлари **расмий статистика ахбороти сифатида эълон қилинади;**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар), шунингдек, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари **маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар** ва бевосита Давлат статистика қўмитасига бўйсунади;

ҳудудий бошқармалар бошлиқлари Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари бошлиқлари ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг тақдимномасига кўра, Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. Давлат статистика қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бошқа расмий статистика ишлаб чиқарувчиларнинг статистика методологияларини халқаро **стандартларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш** ва аудит натижаларига кўра, вазирлик ва идораларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

кузатувларни ўтказиш, расмий статистика материалларини шакллантириш ва таҳлилларни амалга ошириш мақсадида **вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро электрон боғланиш.**

Бунда, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Давлат статистика қўмитасининг ўз ваколатлари доирасидаги сўровига мувофиқ ўзларининг ахборот тизимларига кириш ва ундан эркин фойдаланишни таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар.

4. Қуйидагилар:

Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган **2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси** (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича **"Йўл харитаси"** (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги **Статистика кенгашининг** таркиби 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгаши тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А.Қўчқоров):

Стратегия ва "Йўл харитаси"нинг тўлиқ бажарилишини ташкил қилсин, белгиланган вазифалар бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатсин;

бир ой муддатда Стратегиянинг йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат **тармоқ ишчи гуруҳларини** шакллантирсин;

Стратегия ва "Йўл харитаси"нинг ижросини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида, сифатли тайёрланиши ва белгиланган тартибда киритиб борилишини таъминласин;

Стратегиянинг ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишда Жаҳон банки билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйсин ҳамда уларнинг ижроси учун Жаҳон банки томонидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан мониторинг ўрнатсин;

Стратегия ва "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига йиллик ахборотларнинг тақдим этиб борилишини таъминласин.

6. Давлат статистика қўмитаси ҳузурида ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи **маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланадиган Жамоатчилик кенгаши** фаолият юритиши маълумот учун қабул қилинсин.

Жамоатчилик кенгашига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

Давлат статистика қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ва фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

статистика маълумотларининг **шаффофлиги, ошкоралиги ва қулайлигини** оширишни таъминлаш;

Давлат статистика қўмитаси томонидан **долзарб, сифатли ва ишончли** статистиканинг шакллантирилишига кўмаклашиш;

мавжуд статистика маълумотлари ҳақида **жамоатчиликнинг хабардорлигини** ҳамда уларнинг **статистика маълумотларига бўлган ишончини ошириш** учун фойдаланувчилар билан яқиндан алоқа ўрнатиш.

7. Давлат статистика қўмитаси:

Жамоатчилик кенгаши фаолиятига нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакилларини, миллий ва халқаро экспертларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили **1 декабрга** қадар мамлакатда миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини инобатга олган ҳолда Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқсин ва Жамоатчилик кенгашига келишиш учун тақдим этиб борсин;

ҳар йили **1 октябрга қадар** Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилиши натижалари ва статистика соҳасида методологияни такомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил этиш борасида олиб борилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботнинг Статистика кенгашига киритиб борилишини таъминласин.

8. Давлат статистика қўмитасига рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш учун 65 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан:

марказий аппарат учун — 17 та штат бирлиги;

ҳудудий бошқармалар учун — жами 48 та штат бирлиги ажратилсин.

Бунда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимлари чекланган сонини ошириш давлат солиқ хизмати органлари ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

9. Мазкур қарорнинг 5-иловасига мувофиқ рўйхат бўйича вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида идоравий статистика маълумотларини шакллантириш ва Давлат статистика қўмитаси билан ахборот алмашинувини таъминлашга ихтисослаштирилган бўлимни ташкил этсин.

10. Молия вазирлиги:

Давлат статистика ишлари дастурини амалга ошириш учун маблағ ажратишда фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Статистика кенгаши ва Жамоатчилик кенгаши томонидан шакллантирилган таклифларни инобатга олсин;

2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлар учун Давлат бюджети параметрлари доирасида зарур маблағларни ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

11. Давлат статистика қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

статистика ишлаб чиқарувчиларнинг **статистика методологияларини аудитдан** ўтказиш тўғрисидаги низом лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгаши таркиби тўғрисида"ги Ф-1838-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 август

Мушоҳада

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Бошланиши 1-бетда

Ушбу касаллик сабаб нафақат соғлиқни сақлаш тизими, балки иқтисодий-ижтимоий тармоқлар ҳам босим остида қолди. Энг ёмони, аҳолини иш билан таъминловчи тизим — бизнес фалажлик ҳолатига кирди. Ўзбекистон ҳам гарчи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида иш юритаётган бўлса-да, тиббиётнинг эскирган имкониятлари билан шиддаткор даврнинг янги чақириқларига бас келиш оғир кечяпти. Айни пайтда энг замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган давлатлардаги "тиббий инқироз"ни ҳам кўрдик. Ҳатто Европада тиббиёти энг ривожланган давлат — Франция пойтахтидаги Эйфель минорасига туташ кўчада мавсумий ўликхона барпо этилгани инсониятнинг бундай инқирозли ҳолатлар олдида ожиз эканини кўрсатиб қўйди.

Кейинги ойлардаги таҳлиллар айнан шундай шароитларда халқ табобатини ривожлантириш, тиббий маданият унсурларини кундалик ҳаётимизга чуқурроқ жорий этиш заруратини ва бунга эришиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш вазифасини олдимизга қўйди, десак муболаға бўлмайди.

Халқ табобатини ривожлантириш масаласида Президентимиз томонидан бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилингани ҳам шундан. Тиббий маданиятни ошириш йўналишига қаратилган қарорлар бугунги кунда юртдошларимиз соғлиғини ҳимоя қилишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Тан олиш керак, бундай шароитда дунё тиббиётида кузатилганидек, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими ҳам беморларни тўла ҳимоя қила олмай қолди. Лекин тиббиёт ходимлари касалланган одамларда ўзини ўзи уйда даволаш имконияти борлигини таъкидламоқдалар. Булар кўп суюқлик ичиш, фаол ҳаракатда бўлиш, озода ҳаёт кечириш каби оддий талаблардир. Ушбу омиллар уй шароитида вирусни енгишимизга катта ёрдам бермоқда.

Партиямиз тиббий маданиятга қатъий риоя қилиш, табобатнинг биринчи амалларини англаб етиш каби масалаларни мактабданоқ болалар онгига сингириш ғоясини илгари суриб келмоқда. Мана бир мисол. Япония мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб болаларни зилзила рўй берганда ўзларини қандай тутишга ўргатишар экан. Натижада болаларда муайян кўникма ҳосил бўлади. Биз ҳам тиббий маданият, халқ табобатининг афзал томонларини мактаб, керак бўлса боғчадан фарзандларимизга ўргатайлик. Шунда энг оддий талаб — қўлимизни тоза ювиш кераклигини телеканаллардан ўрганишга ҳожат қолмайди.

Албатта, бугунги мураккаб шароит фуқароларнинг мушоҳада қобилиятини ҳам шакллантирмоқда. Жамоавий қарорлар қабул қилиш, жамоавий муҳокамалар ўтказиш орқали тўғри йўл танлашни ўрганмоқдамиз.

Очиғини айтиш керак, мустақилликдан кейин биз биринчи марта жамоавий ҳаракат қилиш, жамоавий муҳокамалар ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш бўйича имтиҳондан ўта бошладик. Бунинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий кўринишларига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, давлат томонидан аҳолини ҳимоя қилиш учун мавжуд имкониятлар жалб этилаётган бўлса-да, ижтимоий тармоқларда йўқ жойдаги муаммоларни давлат тизимидаги муаммоларга боғлашга уринишлар бўляпти. Ваҳоланки, айнан бугунги шароит барчамиздан бир ёқадан бош чиқаришни, камчилик ва муаммоларни холис муҳокама қилиш орқали конструктив ечимларга келишни тақозо этмоқда. Партия аъзоси, депутат, давлат хизматчиси, журналист ёки блогер бўламизми, шу юртнинг оддий бир фарзанди сифатида четда туришга ҳаққимиз йўқ. Чунки зътиборсизлик, айниқса, нохолис ёндашувлар қимматга тушиши мумкин бўлган вазият бугун.

Ижтимоий тармоқда троллинг билан ўз номини яширишга ишончи комил бўлган айрим кимсаларнинг асоссиз ва ёлғон хабарлар тарқатиши ёки давлат бошқаруви билан боғлиқ қандайдир муаммоларни газак олдиришга ҳаракат қилаётганлари афсусланарли ҳолат, албатта. Тўғри, айрим соҳа ва тизимларда халқ мулкини талон-тарож қилаётганлар, ҳатто хайр-саховатга аталган маблағларни ўзлаштираётганларни ҳам кўряпмиз. Жиноятга қўл берган, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун кўйган бундай кимсалар, албатта, қилмишига яраша "насиба"сини олади. Аммо шундай ҳолатлар орқали бутун бир халқни, давлатни ёмонотлиққа чиқариш адолатсизликдан бошқа нарса эмас.

Биз ана шундай мураккаб шароитда аҳолига кўпроқ холис ахборот етказиш учун фракциямиз аъзолари ва жойлардаги депутатлар орқали реал ҳолатларни ўрганяпмиз. Хусусан, фидойи шифокорлар билан мунтазам алоқада бўлиб турибмиз. Уларга ёрдам бериш бўйича турли тадбирлар, акциялар ўтказяпмиз. Шифокорларни қўллаб-қувватлаш бўйича видеоконтентлар, ОАВда чиқишлар уюштиряпмиз. Чунки бугунги шароитда шифокорлар меҳнати халқимизга нақадар зарур эканини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Уларнинг кўпчилиги вирусли касалликка чалинган. Уларни даволаш учун кўпинча етарли даражада эътибор ҳам қаратилмаяпти. Шунга ўхшаш муаммоларни бартараф этиш учун яқинда инқирозга қарши курашиш комиссиясига шифокорлар касалланган тақдирда уларни алоҳида даволаш учун махсус марказларга жойлаштириш таклифини бердик. Чунки тиббиёт ходими бу жангда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уларни тезда даволаб, сафга қайтариш масаласини аслида олдинроқ ўйлашимиз керак эди.

Пандемия оқибатлари, юртдошларимиз соғлиғи ҳақида гап кетганида партиямиз ватандошларимиз дардини ўз дарди, изтиробини ўз изтироби, деб билишини таъкидлашни истардим. Шунинг учун ҳам биз хориждаги ватандошларимиз соғлиғи, тинчлигини ўйлаб, уларни ўзлари ўқиётган ёки ишлаётган мамлакатларда даволаш ҳамда буни давлат томонидан молиялаштириш таклифини ҳам илгари сурдик. Масалан, Жанубий Корея, Туркия, Россия Федерациясидаги ватандошларимиз орасидан бугун Ўзбекистонга қайтишни истаётганлар сони 3 ёки 4 минг атрофида экан. Уларни қайтариб олиб келиш, албатта, кун тартибида турибди. Шу билан бирга, биз уларни ўзлари яшаб турган давлатларда тест топшириб, ўзларининг ҳолатларини аниқлаб олишларини жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Чунки, "Мен хориждаман. Ўзимда касаллик белгиларини сезяпман. Оилам хавфсизлиги учун, фарзандларим хавфсизлиги учун шу ерда қолиб, даволанишга қарор қилдим", деган фикрларни кўп эшитяпмиз. Биз ана шундай фидойи, вазиятни реал баҳолаётган юртдошларимизни даволаш жараёни молиялаштирилиши керак, деган фикрни билдиряпмиз.

Чунки олимлар вирус мутацияга учраётгани, у моделлашиб ўзгараётгани, бир муҳитдан бошқа бир муҳитга тушганидан кейин қандай шаклга киришини ҳеч ким айтиб бера олмаслигини таъкидламоқда.

Вируснинг турли штаммлари янада вахшийлашган ҳолатда пайдо бўлмаслиги учун хориждаги ватандошларимизни ўша ерда даволаш, соғлиғини тиклашни молиялаштириш масаласини кўтарган эдик.

Бугунги мураккаб шароитда нима қилсак яхшироқ бўлади, деган маънода ҳукумат билан, бошқа сиёсий партиялар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаол ҳаракат қиляпмиз. Қўлимиздан келганча юртдошларимиз манфаати йўлида бир дақиқа ҳам фаолиятимизни сусайтирганимиз йўқ.

Хусусан, карантин эълон қилинган илк кунларданоқ коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган "Бирмиз, қалбан биргамиз" ғояси остида ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди. Айнан ана шу дастур доирасида жами 25 миллиард сўмликдан ортиқ хайрия ва кўмак ишларини амалга оширдик.

Партиядошларимиз томонидан "Зиёрат карвони" маърифий лойиҳаси доирасида 7 та "Мурувват" ва "Саховат" интернат уйига, шунингдек, 100 га яқин хонадонга ижтимоий кўмак кўрсатилди. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги хайр-саховат ишлари олдида денгиздан томчи, холос. Тарғибот-ташвиқот йўналишида эса "Хотира" ва "Ўзлик ҳақида суҳбат" китоблари ҳамда Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Тил офатлари" китобининг аудио варианти яратилди.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларда "Биз биргаликда пандемияни албатта енгиб ўтамиз!" шиори остида онлайн флешмоб, "Депутат кўмаги", #vahimasizkarantin ҳештеги, "Бирмиз, қалбан биргамиз" шиори остида шифокор ва психологлар билан аҳоли ўртасида профилактик онлайн суҳбат каби лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги гуруҳлари ҳамда депутатларимиз томонидан 3256 та дорихона, 692 та бозор ҳамда 7896 та савдо мажмуаси (шохобчаси) фаолияти ўрганилди, уларнинг ташаббуси билан 560 та мансабдор шахснинг пандемиянинг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари юзасидан эшитувлари ўтказилди. "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида 77401 та оила қамраб олиниб, 387642 нафар фуқарога 6 миллиард 608 миллион 519 минг сўм қийматдаги хайрия ёрдамлари кўрсатилди. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолига жами 21 миллиард 392 миллион 470 минг сўм миқдоридаги моддий ёрдам берилди.

"Ижтимоий кўмак" акцияси доирасида 9960 та хонадонда яшовчи кам таъминланган оилалар, касалманд фуқароларга 335 760 000 сўм қийматдаги дори-дармон ва антисептик воситалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, етказиб берилди.

Шунингдек, **"Хизмат-беминнат" лойиҳаси доирасида** 1854 та бепул онлайн ўқув курси ташкил этилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, дунё бўйича 18 миллион кишини ўз домига тортишга улгурган пандемия янги Ўзбекистон ривожи, тараққиёти йўлида бошланган ниҳоятда улкан режаларимиз йўлини узоқлаштираётган бугунги шароитда ким қаерда, қандай соҳа ҳамда вазифада хизмат қилмасин, зиммасидаги масъулиятни чуқур англаши лозим. Шундагина ватанимиз ва халқимиз учун беминнат хизматкорга айланамиз.

Ижтимоий ҳимоя

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Муҳтож оилаларга ажратилган маблағлар ўз эгаларига етказилмоқда

Дунё иқтисодиёти ва аҳоли даромадларига жиддий таъсир кўрсатаётган пандемия шароитида юртимизда фуқаролар бандлигини таъминлаш ва ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак беришнинг ўзига хос тизими яратилди.

Дунё иқтисодиёти ва аҳоли даромадларига жиддий таъсир кўрсатаётган пандемия шароитида юртимизда фуқаролар бандлигини таъминлаш ва ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак беришнинг ўзига хос тизими яратилди. Карантин вақтида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати тузилиб, "темир дафтар"га киритиш йўлга қўйилди.

Хитой тажрибаси асосида илк бор июнь ойида Фарғона вилоятида жорий этилган "темир дафтар" юритиш амалиёти бугун барча ҳудудларда кенг қўлланилмоқда. Унга маҳаллаларда ҳар бир сектор назоратга олган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхати киритилади.

"Темир дафтар"ни юритишда эҳтиёжманд оилаларнинг 7 тоифаси — кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, яккa-ёлғиз кексалар, доимий ишсиз ҳамда оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтиб келган фуқароларни камбағаллиқдан чиқариш чоралари кўрилади. Рўйхатга тушган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзоси жорий йилда иш билан таъминланиб, шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар фармон эълон қилинган кундан бошлаб барча вилоятларда мутасадди раҳбарлар назоратида ўз эгаларига етказилмоқда.

Рустам ХОЛМАТОВ,

Тошкент вилояти ҳокими:

— Президентимизнинг топшириғига асосан, Қурбон ҳайити муносабати билан вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 10 млрд. сўм, "Саховат ва кўмак" жамғармаси томонидан 611 миллион сўм пул маблағлари ажратилди. Ушбу ёрдам пуллари ҳисобидан вилоятдаги "темир дафтар"га киритилган 12 990 та камбағал оилага бир марталик моддий кўмак кўрсатилди. Хусусан, аъзолари сони 3 кишигача бўлган 4758 та оилага 500 минг сўмдан, 4 нафар ва ундан ортиқ аъзоси бўлган 8232 та оилага эса 1 миллион сўмдан нақд пуллар етказилди.

Шунингдек, айём кунлари барча шаҳар-туманлардаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни озиқ-овқат, рўзғорга керакли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди. Вилоят бўйлаб ногирон, чин етими бор, кам таъминланган хонадонлар ҳолидан хабар олиниб, ёрдам кўрсатилиши режалаштирилган жами 8244 нафар ўта муҳтож оиланинг 7463 тасига "Саховат ва кўмак" жамғармаси ва сахий тадбиркорлар томонидан дори-дармон ва бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди.

Бундан ташқари, Республика махсус комиссиясининг қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда ёшлар ишлари бўлими билан биргаликда ҳомийлик, хайрияларни мувофиқлаштириш ва волонтёрлик марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда 22 нафар волонтёр "1197" қисқа рақами орқали фуқаролардан тушаётган мурожаатларни қабул қилмоқда. Бу ерда ҳомийларнинг ёрдамларини тарқатиш учун 66 нафар волонтёр жалб қилиниб, уларга 65 та автомашина ажратилиб берилган.

Жорий йилнинг 14-30 июль кунлари Тошкент вилояти бўйича "1197" қисқа ҳамда Call-марказ телефон рақамлари орқали фуқаролардан 6 минг 476 та мурожаати қабул қилинган бўлиб, улардан 5397 нафари озиқ-овқат, 221 нафари дори-дармон сўраб, 858 нафари эса бошқа масалаларда қўнғироқ қилган. Ана шу мурожаатлар асосида 5100 дан ортиқ эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат ва дори-дармон воситалари, вилоятдаги жами 10236 та ишсиз ва эҳтиёжманд оилага 1 189 000 000 сўмлик зарур ижтимоий ёрдам маҳсулотлари етказиб берилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу хайрия ёрдамлари орқали байрам кунларида минглаб кемтик қалблар, кўмакка муҳтож оилаларга қувонч улашилди, хонадонлар шодликка тўлди.

Зойир МИРЗАЕВ,

Қашқадарё вилояти ҳокими:

— Жаҳонда эпидемик вазият ҳукм сураётганига қарамай, мамлакатимизда бу йилги Қурбон ҳайити файзли, қувончли ўтди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, айём кунлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида хайрли ташаббусларга қўл урилиб, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олинди. Барча карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил этилган хайрия тадбирларида халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукроналик фазилатлари яққол намоён бўлиб, эҳтиёжманд оилалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Айниқса, Президентимиз топшириғига кўра, "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан вилоятдаги 20 000 (84 335 киши) та эҳтиёжманд оилага 1 миллион сўмдан жами 20 миллиард сўм маблағ тарқатилиши кўплаб хонадонларга янада қувонч олиб кирди. Хусусан, Қарши шаҳридаги 2000 та, Шаҳрисабздаги 850 та, Касби туманидаги 1070 та ва бошқа ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга белгиланган моддий ёрдам пуллари ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Вилоятдаги саховатпеша тадбиркорлар ҳам кам таъминланган оилаларга ҳадялар улашди. Улар томонидан 750 та оилага чорва моллари, парранда ва қуён ажратилиб, шундан 80 та оилага 1 бошдан сигир, 315 та оилага 2 тадан 630 та қўй, 97 та оилага 10 тадан жами 970 та қуён, 258 та оилага 30 тадан жами 7 740 та товуқ тарқатилди.

Карантин шароитида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан вилоят аҳлининг кўнгли тоғдек кўтарилиб, Президентимиздан чексиз миннатдор эканликларини билдиришди.

Унинг учта кўзи ва 11 жуфт оёғи бор. Ўта метин бардошли жонзот. Вояга етганлари ҳеч бир ҳавосиз муҳитда ҳам икки соатгача жон таслим қилмайди ва бутун умрини бошқа жонзотлар қирилиб кетадиган шўр сувда ўтказади. Унинг тухуми — цистасига икки юз даражадаги совуқ ҳам зиён етказа олмайди

Таҳлил ва таққос

ОРОЛНИНГ АРТЕМИЯ ЦИСТАЛАРИ

экспортбоп ноёб маҳсулотга айланмоқда

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Ўтган асрнинг иккинчи ярмига қадар дунё қитъалари ичидаги сув ҳавзалари орасида Орол денгизи катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаган. Шундан кейин қуйиладиган сувнинг кескин камайиши туфайли унинг майдони 8, ҳажми 13 баробар қисқарди ва 90-йилларга келиб, кичик ҳамда катта Оролга бўлинди. Олим ва мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда сувнинг минерализация даражаси 150 г/л дан ҳам ортиб кетган. Орол эндиликда жаҳоннинг энг йирик шўр сув ҳавзаси саналади.

Бир пайтлари бу ерда балиқнинг 60 дан зиёд тури учрагани, уларнинг 40 дан ортиқ тури овлангани тарихий воқеликка айланган бўлса, эндиликда унинг сувида фақат битта жонзот — артемия яшаяпти. У жабраоёқлилар туркумига мансуб қисқичбақасимонларнинг бир тури ҳисобланади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими олимлари ўтказган тадқиқотлар 1990 йилларнинг ўрталарига келиб артемиялар Орол денгизининг Ўзбекистон томонидаги акваториясини тўла эгаллай бошлаганини кўрсатди. Бунга сабаб денгизнинг жадал суръатлар билан қуриб бошлаши ва шу боис, суви шўрланишининг ортиб бориши эди. Табиийки, шўрланиш ортган сари денгиздаги жонзотлар қирила бошлади, ўз навбатида, бу артемияларнинг кўпайишига замин яратди. Чунки артемияларни еб қўядиган жонзотлар энди қолмаган эди.

Юз миллион йиллик оддий организм ва фламинголар

— Артемиялар ер юзида, асосан, хлорли, сульфатли, карбонатли, ҳар литрида 300 граммгача тузи бор шўр сувда учрайди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси Алишер Ёқубов. — Улар мутацияга учрамай, 100 миллион йиллардан буён ўзгаришсиз яшаб келаётган оддий организм ҳисобланади. Дунёда артемия жониворининг бир нечта турлари бўлиб, Орол артемиялари *Artemia Parthenogenetica* турига мансубдир.

Тўғриси, ишонгинг келмайди. Лекин бу илмий ва ҳаётий ҳақиқат. Юз миллион йил. Демак, улар динозаврларга тенгдош ва қирилиб кетганига ҳам гувоҳ бўлган. Унинг учта кўзи ва 11 жуфт оёғи бор. Ўта метин бардошли жонзот. Вояга етганлари ҳеч бир ҳавосиз муҳитда ҳам икки соатгача жон таслим қилмайди ва бутун умрини бошқа жонзотлар қирилиб кетадиган шўр сувда ўтказади. Унинг тухуми — цистасига икки юз даражадаги совуқ ҳам зиён етказа олмайди, агар у ўн минг йиллаб заҳарли моддалар билан тўйинган жой остида қолиб кетган тақдирда ҳам яшашига имкон туғилиши билан худди ҳеч нарсани кўрмагандай личинкалари жонланиб кетаверади...

Митти жониворнинг бундай хусусиятларини қанчалик кўп билганимиз сари ҳайратимиз ошаверади.

Ана шу артемиялар ҳозирги кунда Оролнинг қолган ҳавзасига ошён қурган. 1990-йилларнинг охирига келиб, сувнинг шўрланиш даражаси ортиши, бошқа жониворларнинг йўқ бўлиб кетиши ҳисобига тез кўпая бошлади. Айниқса, кейинги ўн йилликда Орол денгизи сув ҳавзасининг минерализацияси, ҳарорати ва кислород миқдори артемиянинг ривожланиб кўпайиши учун жуда қулай муҳитга айланди. Уларнинг урғочиси бўлишига қарамай, ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Ана шу даврда ҳавзанинг қирғоқлари бўйларидаги сувлар қизғиш, пушти тусга киради. Бу унинг тухуми, яъни цисталари дунёга келиши энг қизғин паллага етганини намоён қилиб туради.

Шу ўринда яна бир қизиқ мисол. Мўйноқ тумани ҳудудида жойлашган Судочье кўли 240 дан ортиқ турдаги қушларнинг ватанига айланиб қолган. Олти йилдан буён бу ерни ва унинг атрофидаги кўлларни фламинголар ҳам макон қилган.

— Маҳаллий тилда қизилғоз деб номланувчи бу қушлар Қорақалпоғистондан, асосан, учиб ўтиш, узоқ сафар олдидан озиқланиш учун фойдаланади, деган фикр юрарди, — дейди Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Бунёд Абдуллаев. — Лекин орнитолог олимларнинг тадқиқотлари Судочье кўллар тизимида фламингонинг катта уяловчи галаси ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Қизил ғозлар моллюскалар, ҳашарот личинкалари ва қурт-қумурсқа билан ҳам озиқланади. Лекин унинг асосий озуқаси майда қизил артемия ва унинг тухуми (цистаси) саналади. Шу боис, баҳор-куз ойларида Орол денгизи қирғоқларида фламинго тўдаларини учратиш мумкин. Улар бу ерга яқин Судочье кўлидан келиб, артемиялар тутади.

Энг қизиғи, фламинголар улар билан озиқланиб, танасига ёғ йиғади, натижада пушти рангга кира бошлайди. Улар, айниқса, кўпайиш вақтида артемияни кўпроқ тановул қилади.

Артемия цисталарини фақат фламинголар эмас, балки эндигина дунёга келган балиқ личинкалари ҳам жуда хуш кўради. Орол бўйларидаги кўлларда цисталарнинг ўртача диаметри 235,5 микромиллиметр. Уни фақат микроскоп ёрдамида кўриш мумкин. Артемия цисталари йиғиб олингандан кейин махсус тайёрланган ҳовузга сув қуйилиб, белгиланган ҳароратда личинкалар пайдо қилинади. Бу балиқ личинкалари учун жуда зарур озуқа ҳисобланади. Мутахассисларнинг кузатишича, оддий омихталар билан боқилган балиқ личинкаларининг 50 фоизи тирик қолиб ўсадиган бўлса, артемия цисталари билан озиқланганларининг 90 фоиздан кўпроғи ҳеч қандай касалликсиз ривожланади.

Бебаҳо маҳсулотни ишлатиш қўламлари

Дунё тажрибасида артемия цисталари асосида олинган маҳсулотлар 5 та соҳада, яъни аквамаданият саноатида, қишлоқ хўжалигида, фармацевтика, тиббиёт ва косметологияда кенг қўлланилади.

— Уларнинг қарийб 90 фоизи аквамаданият соҳасида ишлатилади, —деб тушунтиради Алишер Ёқубов. — Чунки ушбу ноёб маҳсулотнинг таркиби протеин, аминокислота ва витаминларга бой. Овланадиган балиқлар ҳамда қисқичбақасимон турларни кўпайтиришда ундан бошланғич озуқа сифатида фойдаланилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида эса ҳайвонларнинг биофаол қўшимча озуқаси, ветеринарияда дори воситаси ҳамда ўғитда микробиологик жараёнларни фаоллаштиришда жуда асқатади.

Фармацевтика, тиббиётда артемия цистаси бойитилган озуқа маҳсулоти сифатида жуда машҳур. Уни эндокрин ва қон томири тизими касалликларининг олдини олишда, озиқланишда биологик фаол қўшимча сифатида, шунингдек, нуклеин кислотаси, йод манбаси, канцерегон касалликларни даволашда саратонга қарши дори сифатида қўлланади.

Артемия цистасининг яна бир хусусияти, у терининг иммунитетини табиий мустаҳкамлайди, ультрабинафша нурлардан асрайди, токсинларни ҳайдаб чиқаради, тери рангини яхшилайди ва сув-липид мувозанатини сақлайди. Шунинг учун ушбу маҳсулот бутун дунёда, асосан, ривожланган Шарқ давлатларида косметология соҳасида бебаҳо маҳсулот ҳисобланади.

Орол артемияларини овлаш ишлари, асосан, 2010 йилдан бошланиб, бу борада дастлабки тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини йўлга қўйган. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги "2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги "Артемия цисталарини йиғиб олишга рухсатнома беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига асосан, маҳсулотни йиғиб олишга рухсатнома бериш ваколати Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси зиммасига юклатилди.

Орол денгизининг мамлакатимиз акваториясининг қирғоғидан артемия цисталарини йиғиб олувчи тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин ортиб бормоқда. 2010 йилда 1 та субъект, 2018 йилда 23 та субъект фаолият юритган бўлса, 2020 йил 31 мартга келиб, улар сони 40 тага етди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги "Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қарорига асосан, артемия цисталарини йиғиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга бериладиган рухсатномаларнинг амал қилиш муддати кейинги календарь йилининг 31 март санасига қадар белгиланган, — дейди Алишер Ёқубов. — Ҳар бир субект ўз имкониятидан келиб чиқиб уни йиғиб олиш ҳажмлари квотаси бўйича қўмитамизга мурожаат қилади. Улар фаолияти ўрганилиб, таҳлиллар асосида хулосага келинади. 2020 йилга келиб қўмитамиз томонидан рухсатнома олган субъектлар сони 40 тага етди. Улар орасида Хитой, Россия, Қозоғистон, Вьетнамдан сармоя киритиб, бу ерда қўшма корхона шаклида иш олиб бораётган инвесторлар ҳам бор. Улар йиққан артемия цисталарини шу ерда бирламчи қайта ишлаб экспорт қилиш билан ҳам шуғулланади.

Барча тадбиркорлик субъектлари томонидан 2019 йил кузги ва 2020 йил 31 мартгача мавсумда йиғиб олинган 1741 тонна артемия цисталарининг 1 444 тоннаси 5,15 миллион АҚШ долларига экспорт қилинган. Яна бир муҳим жиҳати, яратилаётган иш ўринлари ҳам кўпайиб боряпти. Тадбиркорлик субъектлари томонидан мавсумий ишга жалб этганларни ҳам ҳисобга олганда, ҳар йили мўйноқлик 500 дан ортиқ фуқаро қўшимча даромад манбаига эга бўляпти.

> **БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛ КУЗГИ ВА 2020 ЙИЛ 31 МАРТГАЧА МАВСУМДА ЙИҒИБ ОЛИНГАН 1741 ТОННА АРТЕМИЯ ЦИСТАЛАРИНИНГ 1 444 ТОННАСИ 5,15 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН. ЯНА БИР МУҲИМ ЖИҲАТИ, ЯРАТИЛАЁТГАН ИШ ЎРИНЛАРИ ҲАМ КЎПАЙИБ БОРЯПТИ.**

Истиқбол имкониятлари

Шу йилнинг 11 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг "Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳузурида "Орол артемия саноат" давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Артемия цистасини овлаш ва қайта ишлашни комплекс ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, ушбу соҳада илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт фаолиятини амалга ошириш мазкур корхонанинг асосий вазифалари сирасига киради.

Жонзотларнинг табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда артемия цистасини саноат асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги қувватларни ташкил этишда илғор технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши "Орол артемия саноат" ДУКнинг муассиси ҳисобланади. Айни кезда корхонанинг уставини тасдиқлаш, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини, шунингдек, 11 нафардан иборат бошқарув ходимини зарур маълумий ва ишлаб чиқариш биноларига жойлаштиришни таъминлаш ишлари олиб бориляпти.

Демак, эндиликда артемия цисталарини овлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш ишлари янги босқичга чиқариш орқали бу борадаги имкониятлар янада кенгайиши кутиляпти.

Дунё тажрибасига эътибор қаратсак, АҚШ, Хитой, Россия, Қозоғистон артемия цистасини жаҳон бозорига етказувчи етакчи мамлакатлар сирасига киради. Қозоғистон артемия цистасини тадқиқ қилиш, овлаш ва қайта ишлаш уюшмаси раиси Чингис Сосорбармаевнинг қайд этишича, ҳозирги пайтда Қозоғистон ўз маҳсулотини хомашё сифатида 2 доллардан хорижга сотаётган бир кезда Россия уни қайта ишлаш орқали 12 доллардан экспорт қиляпти. Агар чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш учун давлат томонидан зарур шароит яратилса, тайёр маҳсулотни 50 дан то 250 долларгача сотиш имконияти мавжуд.

Қизиғи шундаки, жаҳонда артемия цистасини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича Бельгиянинг NV компанияси етакчилик қилади. Аслида эса мазкур мамлакатда умуман бу жонзотнинг ўзи йўқ. Хомашё четдан келтирилади ва унинг 500 граммлик тайёр маҳсулоти 150 евро туради.

Мамлакатимиз артемия циста етиштирувчиларининг маҳсулотига бўлган эҳтиёж ортиб боряпти. Экспортнинг асосий қисми қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Эндиликда уларнинг ва ташкил этилган "Орол артемия саноат" ДУКнинг олдида ҳам артемия цистасини саноат асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш вазифаси яна долзарблик касб этади. Агар бу вазифа ўз вақтида уддаланса ва изчил ривожлантирилса, жаҳон бозорида Ўзбекистон яна бир соҳада етакчилар сафидан муносиб ўрин эгаллаши, шубҳасиз. Зеро, Оролнинг артемия цисталари ўзининг табиий хусусиятлари ва таркиби юқори миқдордаги протеин, аминокислота ва витаминларга бойлиги жиҳатдан дунёнинг бошқа жойларидаги турдошларидан устун бўлса устунки, ҳеч бир кам эмас. Бир сўз билан айтганда, бу — Яратган эгамнинг Оролбўйининг ўта оғир экологик шароитида умргузаронлик қилаётган одамларига берган яна бир бебаҳо инъоми. Шундай экан, мазкур бойликни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, ундан авайлаб-асраб фойдаланиш энг устувор вазифа бўлиши керак.

Муносабат

Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари яна бир марта коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга, халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини янада кучайтиришга барчамизнинг диққат-эътиборимизни қаратмоқда.

Айниқса, бу тадбирларнинг Қурбон ҳайити кунларида амалга оширилиши халқимиз қадриятлари улуғланаётганининг ёрқин кўринишидир.

Фармон билан жорий йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилиши бу фуқаролар ҳаётига катта қувонч олиб кирди.

Фармон асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириб, уларга моддий ёрдам пули ўз вақтида ва манзилли етказилишини таъминлайди.

Қорақалпоғистонга ажратилган 10 миллиард сўм мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уюшқоқлик билан ночор, боқувчисини йўқотган, кўмакка муҳтож оилаларга тарқатилмоқда. Масалан, куни кеча Хўжайли туманида эҳтиёжманд 6352 та оилага 817 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари, Мўйноқ туманида ҳам 382 та оилага 289 миллион сўм нақд пул, 31 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳа вакилларини моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш ишлари ҳам ҳамжиҳатлик билан олиб борилмоқда.

Шукрона

Синовли кунларда савоб ишни зиёда қилайлик

Алиакбар САЙФУТДИНОВ,
Сурхондарё вилояти бош имом-хатиби

Бугунги иқтисодий мураккаб шароитда ҳам муборак Қурбон ҳайити ғоят чиройли тарзда нишонланди. Юртимиздаги вазият — карантин талабларини юртдошларимиз тўғри қабул қилдилар. Айниқса, байрам арафасида диний соҳа ходимларининг моддий рағбатлантирилиши барча имомларимизни ғоят руҳлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Вақф" хайрия жамоат фондига ажратилган 150 миллиард сўм маблағ соҳанинг барча вакилларига нисбатан жуда юксак ғамхўрликдан далолатдир.

Вилоятимиздаги мавжуд 114 та масжиднинг барча имом, ноиб ва мутаваллисини ҳисобга оладиган бўлсак, бу эътибор туфайли 300 дан зиёд дин уламосининг кўнгли тоғдек юксалди. Маблағларнинг имомлар қўлига етиб борганининг ўзи кўплаб кам таъминланган хонадонларга ҳам моддий ёрдам кириб борди, дегани аслида. Негаки, пандемия туфайли масжидларда тушум бўлмай қолган айни пайтда имомларимизга ушбу маблағ оғриқ жойга малҳамдек таскин берди. Улар айни масалада ўйланиб турган эдилар. Чунки аксарият муҳтож фуқароларимиз ҳам моддий, ҳам маънавий масалаларда имомларга мурожаат қилади.

Аниқ айта оламанки, диний соҳа вакиллари ўзларига ажратилган маблағдан ана шундай муҳтож оилаларга, албатта, саховат қилади. Чунки динимизда қўлида бўлган нарсани бошқа биродарига ҳам улашиш савоб саналишини улар яхши биладилар ва савоб ишни мана шундай кунларда зиёда этиш кераклигини амалда кўрсатдилар. Айни пайтда дунё давлатларидаги аҳволотга назар солиб туриб, шу заминда, Ўзбекистонда яшаётганимизга минг бор шукр келтирамиз.

Озиқ-овқат, ғалламиз, тинчлигимиз, умуман, тирикчилик эҳтиёжимиз учун керакли ҳамма нарса етарли. Шундай экан, нега шукр қилмаймиз. Зеро, Тангри "Агар шукр қилсангиз, неъматимни зиёда қиламан, куфр келтирсангиз, берадиган азобларимни ўзим биламан", деган.

Шунингдек, "Аллоҳга, унинг расулига итоат қилинг, ўзларингдан бўлган ишбошиларга итоатда бўлинг" каби жумлалар ҳам эл бошида турган раҳбарлар, турли соҳа мутасаддиларининг одилона йўл-йўриқларига камарбаста бўлишимизни англатади. Тасаввур қилинг, бир оилага бош бўлиш, жамиятнинг кичик бўлаги бўлган бу қўрғонда мувозанатни тутиб туришнинг ўзи бўлмайди ахир. Бу масъулиятли вазифадан минг чандон мушкул бўлган давлат бошқарувидаги мутасаддиларга осон тутиб бўлмайди.

Ҳар ёмонликнинг бир яхши томони бўлганидек, аксарият одамларимиз чуқур ўйлаб, бу балоларнинг асл сабабини ўз феъл-атворимиздан қидирмоқда. Аммо разолат йўлига кириб, меҳру оқибат, инсофу диёнатни пулга алишаётган, шундай синовли кунларда ҳам инсонийлик чегарасидан чиқаётган юртдошларимиз ҳам, афсуски, учраб турибди. Шу маънода, мен давлатимиз раҳбарининг дин уламоларига кўрсатаётган ғамхўрлиги, юксак эътиборининг туб моҳиятини ғоят чуқур ҳис этиб, зиммамизга жуда катта масъулият юкланганини англаб турибман. Одамларимизда айни пайтда муқаддас динимизда улуғланган ва буюрилган инсонийлик фазилатларини юксалтириш ҳар қачонгидан муҳим.

Хулоса ўрнида айтишни истар эдимки, бир-биримизга силаи раҳми кучайтириш, ҳаромдан ҳазар қилиш, умуман, гуноҳ ишлардан тийилишимиз кераклигини ҳар он дилимизга тугиб турсак, албатта, бу балои қазолар, ёмон офатлардан форғ бўламиз. Албатта, Яратган эгам бу офатларни абадий қилиб қўймайди. Ислоҳ бўлган жамиятга иншооллоҳ ўзи офият беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 август, 144-сон

Муаффар Абдуллаев олган суратлар.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ҲУНАР — ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР

— 2020 йил давомида электрон савдо орқали экспортни 1,5 млн. АҚШ долларига ва жами экспорт ҳажмини 15 млн. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш мақсадида жорий йилда Хитой, Малайзия, Грециядa ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо уйлари ва дўконлари ташкил этилди.

Бошланиши 1-бетда

Аммо буларнинг ҳеч бири уста ва устазодаларимизнинг ишига тўсқинлик қилолмайди. Қўлигул бу инсонлар синовли даврда ҳам намуна бўлиб, ҳунармандчилик фаолиятларини бевосита уйда, оилада, фарзандларни жалб этган ҳолда амалга оширмоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрель куни глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатимиз аҳоли бандлиги масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириғига асосан, "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан интернет тармоғида аёллар ва ёшларни ҳунармандчиликка ўргатиш бўйича онлайн платформа яратилди ва ишга туширилди. Шунингдек, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ўз мактабига эга машҳур ҳунарманд усталарнинг "Маҳорат устахонаси" телекурслари ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашади.

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳунармандларга ва "Ҳунарманд" уюшмаси фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб: "Мамлакатимизда 28 мингдан зиёд ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўтган йили 50 миллион доллар маблағ ажратилди, 12,5 мингта лойиҳа доирасида ҳунармандлар 75 мингдан ортиқ янги шогирд тайёрлади. Ушбу соҳа учун бу йил яна 50 миллион доллар маблағ йўналтирилмоқда. Яратилаётган бундай шароитлар ҳунармандлар учун катта имкониятдир", деб таъкидлаш баробарида: "Ҳурматли ҳунармандлар! Сизларнинг меҳнатингиз, янги-янги ташаббусларингиз ҳозирги вақтда аҳоли бандлигини таъминлашга, албатта, муносиб ҳисса қўшади", деб мурожаат қилди.

— Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогини тузиш топшириғи берилган эди, бу борада аниқ натижалар борми?

— Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати соҳасида фаолият юритиб келаётган ва соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган тажрибали, истеъдодли ҳунармандларни киритиш орқали уларни рағбатлантириш назарда тутилган. Шунингдек, бу миллий каталог ҳунармандчилик фаолиятидаги илғор тажрибаларини оммалаштириш, ўзбек халқ амалий санъати намуналарини ўзбек бренди сифатида халқаро миқёсда тарғиб қилиш, халқ амалий санъатининг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини сақлаш, қайта тиклаш мақсадида ташкил этилган.

Миллий каталогга киритиладиган уста-ҳунармандларни танлаб олиш бўйича Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига ҳунармандларни киритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Бадиий академия раҳбар ва ходимлари, санъатшунослардан иборат кенгаш тузилди.

Миллий каталогнинг дастури онлайн тарзда 2020 йил 1 январдан бошлаб "Ҳунарманд" уюшмасининг www.handicraftman.uz сайти орқали ишга туширилди. Миллий каталогга нуфузли халқаро кўргазма, кўрик-танлов ва тадбирларда ғолиб ёки лауреат сифатида эътироф этилган, тегишли соҳада санъат ва фан арбоби ҳамда академикларнинг тавсиясига эга ёки "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвони соҳиби бўлган ҳунармандлар кенгаш қарори асосида киритилади. Уларга бир қатор имтиёзлар берилиши назарда тутилган бўлиб, бугунги кунда миллий каталогдан 300 нафардан ортиқ ҳунарманд жой олди.

Жумладан, каталогга кирган халқ амалий санъати усталаридан миллий чолғу асбоблари ясовчи уста Абдумалик Мадраимов, замонавий талқиндаги миллий либосларнинг барча турларини ишлаб чиқарадиган уста ҳунарманд, миллий либослар дизайнери Фируза Ёқубова, каштачи Гулмира Исломова, миниатюра, ранг-тасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар устаси Даврон Тошев ва бошқаларнинг номларини келтириш мумкин.

— Мамлакатимизда ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш борасида қандай амалий ишлар қилинмоқда? Айни пайтда уларга қандай имтиёзлар берилган?

— Халқимизда ҳунар орқали эл-юртга наф келтириш қадрият даражасига кўтарилган. Ҳунармандчиликнинг у ёки бу тури оилаларнинг асосий машғулотига айланиши натижасида моҳир ҳунармандлар сулолалари вужудга келган, ўзига хос мактаблар шаклланган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳунармандлар ишлаб чиқараётган буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар) йўналишлари 34 та. Улар тайёрлаган маҳсулотлар сифати, бадиий юксаклиги, миллий ўзлигимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида уйғунлаштиргани билан аҳамиятлидир.

Юртимиздаги тарихий қадамжолар ва бошқа диққатга сазовор гўшаларга келаётган чет эллик сайёҳлар ҳунармандларимиз қўл меҳнати билан яратилган мўъжизалар қаршисида лол қолаётгани бизни қувонтиради. Бу маҳсулотлар Ўзбекистоннинг ташриф қоғозига ва туризм брендига айланди.

Ҳунармандчилик ривожига қаратилаётган эътибор туфайли аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашда мазкур соҳа ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилингунга қадар "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари сони 10 мингга ҳам етмаган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 35 мингга яқинлашиб қолди. Шундан ҳунармандчилик билан банд бўлган хотин-қизлар сони 14 177 нафар (41 фоиз)ни ташкил этади. Ҳудудлар кесимида олсак, Андижонда 2205 нафар, Фарғонада 1 619 нафар ва Тошкент шаҳрида 1 224 нафар хотин-қиз ҳунармандчилик билан банд. 30 ёшгача бўлган аъзо ҳунармандлар (ёшлар) 12 107 нафар (35 фоизни)ни ташкил этади. Андижонда 2128 нафар, Фарғонада 1 732 нафар ва Наманган вилоятида 1 398 нафар ёш ҳозир ҳунармандчилик билан банд. Шунингдек, 2020 йилнинг 27 июлга қадар 18175 нафар янги уста-ҳунарманд аъзоликка жалб этилди.

Уста-ҳунармандларнинг халқаро кўргазма ва фестивалларда иштирок этишларига кўмаклашиш мақсадида "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан хорижий давлатларда 2020 йилда анъанавий тарзда ўтказиладиган ҳунармандчилик соҳасидаги 15 дан ортиқ нуфузли халқаро фестиваль ва кўргазма рўйхати тузиб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Ўюшмамиз томонидан 2020 йил 1 мартдан бошлаб республикадаги 16 та "Меҳрибонлик уйи" ва Болалар шаҳарчасида ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича 74 нафар уста-ҳунармандни жалб қилган ҳолда уста-шогирд анъанасига асосланган ўқув машғулотлари жорий этилди.

Савдо мажмуалари ва деҳқон бозорлари ҳудудларида алоҳида ҳунармандлар расталарини ташкил этиш учун барча вилоятлардаги бозорлар инвентаризациядан ўтказилди.

Бугунги кунда ҳудудларда 179 та ҳунармандчилик бозорида 3471 та раста барпо этилиб, уларда 3 471 нафар ҳунарманд фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, савдо мажмуалари ва деҳқон бозорлари ҳудудларида алоҳида янги ҳунармандлар расталарини ташкил этиш бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда.

— Ҳамма соҳага бугун ахборот технологиялари кириб келди. Ҳунармандларнинг маҳсулотларини сотишда ҳам бунга эътибор қаратиляптими?

— Миллий каталогга киритилган ҳунармандларга маркетинг соҳасида доимий амалий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг маҳсулотларини электрон тижорат (E-commerce) йўли билан сотишни ташкил этиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, бунинг учун www.uzcrafts.com веб-сайти яратилди. Сайтга ҳунармандлардан уюшма музей фондига сотиб олинган маҳсулотлар жойлаб борилмоқда.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, "Asialuxe Travel" МЧЖ ва "Allbazar Group" МЧЖ ҳамкорликда www.ihunar.uz савдо майдончаси ташкил этилди ва ушбу платформа ҳунармандлар орасида оммалаштирилмоқда.

Ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосини янада ривожлантириш, миллий каталогга киритилган ҳамда туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандларга ўз маҳсулотларини реализация қилишда кўмаклашиш мақсадида ижтимоий тармоқларда ҳам UzCRAFT.com канал ва гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу каналларда ҳозирги кунда уч юзга яқин ҳунармандларнинг маҳсулотлари жойланиб, уларнинг онлайн савдосини ташкил этиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Art-Hunar.uz, ceramic_uz, Master Wood, Human House ва шу каби интернет дўконлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, ETSY халқаро онлайн савдо платформасида "UzbekCraftAndArt" савдо дўкони очилди.

— Ҳунармандчиликни ривожлантиришда халқаро ҳамкорликка қай даражада эътибор бериляпти?

— 2020 йил давомида электрон савдо орқали экспортни 1,5 млн. АҚШ долларига ва жами экспорт ҳажмини 15 млн. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш мақсадида жорий йилда Хитой, Малайзия, Грециядa ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо уйлари ва дўконлари ташкил этилди.

"World craft council" халқаро ҳунармандчилик кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбирларда "Ҳунарманд" уюшмасининг доимий қатнашишини таъминлашга ҳамда халқаро ташкилотларнинг техник кўмагини жалб қилишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Бухоро шаҳрини WCC халқаро ҳунармандлар шаҳри рўйхатига қўшиш бўйича ариза топширилди.

2020 йил 27 март куни WCC-APR бошқарув кенгашининг навбатдаги йиғилиши видеоконференция тарзида бўлиб ўтди. Унда кун тартибига қўйилган 13 та масаладан 2 таси бевосита Ўзбекистонга тегишли бўлди. Биринчиси, WCC-APR 38-Бош ассамблеясини 2020 йилнинг декабрь ойида Тошкентда ўтказиш, ушбу тадбир доирасида Ўрта Осиёда биринчи марта "Халқаро Икат Симпозиум"ни ўтказиш масаласидир. Барча аъзолар ушбу таклифга розилик берди. Иккинчи масала эса Ўзбекистон вакили номзодини 2021-2024 йиллар учун WCC-APR президентлигига сайлаш таклифи бўлиб, бу ҳам бир овоздан маъқулланди ва Бош ассамблея тасдиғига киритишга розилик берилди.

Ўйлаймизки, бу таклифларнинг рўёбга чиқиши нафақат ҳунармандчилик ривожига катта ҳисса қўшади, балки мамлакатимизнинг халқаро имижига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири
Гулчеҳра ДУРДИЕВА
суҳбатлашди.

Янги иш ўринлари

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ —
кун тартибидаги энг долзарб масала

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Бугунги оғир эпидемиологик вазиятга қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаши жуда муҳим. Нима учун? Албатта, халқнинг турмуш фаровонлиги, иқтисодиёт барқарорлиги, инсонлар чорасиз қолмаслиги учун! Табиийки, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда имконият мавжуд бўлган ҳамма жойда корхоналар фаолиятини йўлга қўйишимиз, меҳнат унумдорлигини оширишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Айни паллада кун тартибидаги асосий масала бандликдир. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Ярим йилдан буён кучайтирилган карантин шароитида яшаётган ҳамма давлатларда энг асосий муаммо ҳам шу — аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, даромад билан таъминлаш.

Бугун Ўзбекистонда ишсизларнинг 732 минг нафари, яъни 52 фоизи ёшлар, 834 минг нафари (59 фоиз) хотин-қизлар эканини ҳисобга олиб, бу муаммога тезкор чора топиш керак.

Коронавирус пандемияси таъсирида юзага келган аҳоли бандлиги билан боғлиқ реал ҳолатни инобатга олган ҳолда 2020 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш параметрлари ишлаб чиқилган.

Мазкур параметрларга мувофиқ, 2020 йилда жами 302,8 мингта, шундан 142,7 мингтасини тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, 6,8 мингтасини ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, 93,2 мингтасини янги кичик корхона ва микрофирмани ташкил этиш ҳисобига ва 60,1 мингтасини оилавий ва якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этиш назарда тутилган.

Шунингдек, параметрларда ишсиз фуқароларни бўш иш ўринларига жойлаштириш, меҳнат бозорининг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўзини ўзи банд қилган шахсларни вақтинча меҳнат гувоҳномаси билан таъминлаш ҳамда ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш ҳам назарда тутилган.

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолиятини расмийлаштириш бўйича имтиёз берилган касблар сони 24 тадан 67 тага оширилди.

Пандемия шароити бўлишига қарамай, жорий йилнинг олти ой давомида 50,9 минг нафар ишсиз фуқаронинг доимий, 105,8 минг фуқаронинг эса мавсумий иш ўринларида бандлиги таъминланган.

Ёшлар муаммоларини самарали ҳал этиш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 30 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, ёшлар сиёсатини юритишда давлат идоралари олдига масала қўя оладиган, зарур ваколат ва молиявий ресурсларга эга бўлган Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Ёшлар масаласи бўйича янги бир давлат ташкилотининг ташкил этилиши мазкур йўналишдаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бу борада биринчи ишни битирувчилардан бошлаш лозим. Жорий йилда умумтаълим мактабларини 452 минг ўғил-қиз тамомлади. Уларнинг 70 минги олий таълим, 85 минги профессионал таълимга кирса, 95 мингдан зиёди ишга жойлашади десак, барибир яна 200 мингга яқин ёшнинг бандлигини таъминлаш долзарблигича қоляпти. Шунинг учун ҳам мактабданоқ касбга ўқитиш тизими жорий этилиши белгиланди. Бунинг учун 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг касблар кесимида қизиқиши аниқланади. 10-синфдан эса робототехника, дастурлаш каби талаб юқори касбларга ўргатиш йўлга қўйилади.

Айтиш керакки, бугун меҳнат бозорида ишчи касбларга реал эҳтиёж бор. Буни ҳар бир тармоқ ва соҳа кесимида аниқлаш, талаб юқори бўлган касблар бўйича хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитиш дастури ишлаб чиқиш зарур. Демак, ёшлар бандлигини таъминлаш учун биринчи қадамни мактабларда қўямиз.

Албатта, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Улар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида эса Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида вертикал тизим яратилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бугун ҳудудларда 20 мингга яқин аёл оғир турмуш шароитида яшайди. Улардан аксарияти, афсуски, профилактик ҳисобда туради. Шулардан келиб чиқиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига 33 минг 380 нафар аёлни ҳаётга мотивациялаш ва касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курсларини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Бундан мақсад, аввало, бандлик муаммоларини бартараф этиш бўлса, иккинчидан, уларни қайноқ жамият ҳаётига қайтариш.

Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни имкон қадар кенг йўлга қўйиш керак. Тажрибаларни оммалаштириш зарур. Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, ойма-ой молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида соддалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш зарурати муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, микроқарз олиш ниятидаги ёшлар ва аёллар тадбиркорликка бепул ўқитилиши керак, бу билан йилига 5 минг нафар ёш ва аёлнинг бандлиги таъминланади. Президентимизнинг жорий йил 14 июлдаги "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантиришни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ушбу мақсадларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 2 миллион доллар кредит ажратилиши белгиланди. Бу маблағ ёшлар ва аёллар ишсизлиги юқори бўлган қишлоқ жойларда имтиёзли микроқарз ажратиш учун микромолия ва нодавлат ташкилотларга берилади. Чунки бундай нодавлат ташкилотлар банкларга қараганда кам ресурслар билан ҳам ўқитиб, 2-3 баравар кўп иш ўрни яратяпти. Кредит қайтими ҳам банкларга қараганда анча юқори.

Мухтасар айтганда, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш айни карантин даврида жуда ҳам долзарб. Бу борада тизимли режаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандликни таъминлашда муҳим истиқболларни очади.

Муборак ийди Рамазон арафасида юртимиздаги юз минглаб хонадонлар дарвозасини Меҳр-оқибат, Мурувват қўнғироқлари жаранглатди. Қадриабад саховатпешалик, кўмак кўнгилларга эртанги кунга ишонч, ёруғлик, файзу барокат туйғуларини олиб кирди.

Бугуннинг гапи

ХАЙР ВА САХОВАТ – ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

**Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.**

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Абдуҳаким Шарўий ЖУЗЖОНИЙ,
юридик фанлар доктори,
профессор (Швеция)

Хайр ва саховат, муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзиш инсонпарварлик белгиси бўлиб, ҳар бир шахс учун энг олий сифатлардан ҳисобланади. Меҳр ва шафқат кишини фақат эзгу ишларга чорлайди, ҳалол яшаш, яхши амалларни бажаришга ундайди.

Ҳазрат Навоий ҳам қуйидаги мисралар орқали меҳр ва шафқат, бошқаларнинг ҳам ғамида бўлиш хислатини ҳақиқий инсонийлик белгиси, деб кўрсатади:

Одамий эрсанг демагил одамий,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Туркий халқлар, айниқса, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида меҳр ва шафқат билан йўғрилган хайр ва эҳсон, саховат ва кўмак қанча чексиз бўлганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Қорахонийлар даврида давлат арбоблари, бадавлат кишилар, хайр ва эҳсон эгалари Бухоро, Самарқанд



Алишер Навоий қурдирган Сарипул кўприги

шаҳарлари ва бошқа жойларда саройлар, дўконлар ва ҳаммомлар қурдириб, баъзан ўз ерларини мадрасаларга вақф қиларди. Вақф институти жамғарманинг бошлангич шакли сифатида биринчи марта ислом мамлакатларида юзага келиб, охирги даврларда Ғарб мамлакатларида "фундишан" шаклини олган. Вақф этилган мулк ва жой расмийлаштирилгандан кейин ўз эгаси тасарруфидан чиқиб, мустақил бир мулкка айланади ва суд орқали идора қилиниб, даромади вақф қилинган муассасаларга топширилади. Ҳеч ким, ҳатто давлат ҳам уни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Қорахонийлар даврида мадраса ходимлари ва талабалар маоши ушбу мулкдан келадиган даромаддан тўланарди. Масалан, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Щедрин номидаги қўлёзмалар фондида сақланаётган, Иброҳим Тамғачхон томонидан ёзилган вақфномага кўра, Самарқанд мадрасаси мутаваллиси (идорачиси)нинг бир йиллик маоши 2000 дирҳам, фиқҳ илми мударриси маоши 3600 дирҳам, адабиёт фанлари мударриси маоши 1200 дирҳам, Қуръони карим мударриси маоши 1299 дирҳам ва талабалар маоши 360 дирҳам бўлган. Бир мударрисининг бир ойлик маошига 150-200 дона нон, 2-3 бош боқилган қўй сотиб олиш мумкин бўлган.

Хоразмшоҳлар даврида яшаган бухоролик муаллиф Муҳаммад Авфий "Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт" китобида ёзишича, Самарқанд шаҳрида яшовчи чет эллик бир олим қонунга хилоф иш қилгани учун 30 дарра уриш жазосига ҳукм қилинган экан. Шунда Бухоро садрларидан бири Бурҳониддин Абдулазиз ибн Умар давлат бошлиғига мурожаат қилиб, қонунбузарга урилади-ган ҳар бир дарра ўрнига 1000 та олтин танга беришга келишади ва давлат хазинасига 30000 қизил олтин тўлаш билан нафақат маҳкумнинг, балки илм аҳлининг ҳам обрўсини сақлаб қолади.

Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий "Жалолиддин Мангуберди сийрати" номли китобида қайд этишича, Бухорода Оли Маза (Моза оиласи)нинг буюк имоми Садри Жаҳон ва унинг авлодлари ҳимояси ва нафақаси билан 6000 нафар фиқҳ олими ҳаёт кечирар экан.

Темурийлар даврида ўзбек аёлларидаги хайр ва эҳсон олий фазилатини Бибихоним ва Гавҳаршодбегим тимсолида кўриш мумкин. Таниқли тарихчи Турғун Файзиев "Темурий маликалар" китобида берган маълумотларга кўра, Бибихоним Самарқанд шаҳрида унинг номи билан аталган жомеъ масжид тўғрисида ҳашаматли катта мадраса қуриб, унда таълим олаётган талабаларнинг барча харажатини таъминлаб турган.

Темурий малика Гавҳаршодбегим хайр ва саховат ҳамда эзгу ишларни йўлга қўйиш бўйича жаҳон маликалари ичида олий мақомда турган. У Ҳирот шаҳрида Мусалло мажмуасига асос солиб, у ерда ҳозирги Гавҳаршодбегим мақбараси ёнида, Самарқанд шаҳрида ўғли Мирзо Улуғбек қурган мадрасадан намуна олиб, Ҳирот шаҳрида Гавҳаршодбегим мадрасасини бунёд эттирган. Мадрасанинг ислимий хатлари ва нақшлари унинг йирик хаттот ва санъаткор ўғли Бойсунқур Мирзо назорати остида бўлгани учун гўзаллик ва мукаммаллик намунаси эди.

Ҳиротлик таниқли темурийшунос олим Фикрий Салжуқий (раҳматли) менга қуйидагидек маълумот берган эди: "Кўп умр кўриб вафот этган раҳматли отам ёшлигида Гавҳаршодбегимнинг ҳашаматли мадрасасини у портлатилмасидан олдин кўрган экан. Улар айтадиларки, Ҳирот хаттотлари ораларида хат ёзиш қоидалари бўйича ихтилоф келиб чиққанда, Гавҳаршодбегим мадраса котибаларига қараб ихтилофни ҳал қилардилар, яъни мадраса ёзувлари тўғрилик тимсоли эди. Гавҳаршодбегим ҳар доим мадраса ва талабалар яшаш шароитини назорат қилиб, уларга ёрдам бериб тураркан".

Гавҳаршодбегимнинг энг олий хайрли ишларидан бири Эрондаги Машҳад шаҳрида Имом Ризо мақбараси ёнида Гавҳаршодбегим жомъе масжидини қурдиргани бўлди. Гавҳаршодбегим олмослардан таркиб топган ниҳоятда қимматбаҳо тақинчоғини сотиб, Эрон ўлкасида тенги йўқ бу жомеъ масжидини қурдирган. Масжиднинг пештоқи унинг ўғли Бойсунқур Мирзо ёзган ниҳоятда чиройли хат билан безатилган. Бу чиройли масжидни кўргани кўплаб зиёратчилар келиб туради.

Темурийлар даврида хайр ва саховат эгалари кўп бўлган, улардан бири Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий эди. Абдураҳмон Жомий айтганидек, "унинг минглаб гектар экинзорлари бор, лекин уларнинг даромади беҳишт йўлига бориш озуқаси ҳисобланади", яъни Худо йўлида хайр ва саховат ҳамда муҳтожларга ёрдам кўрсатишга бағишланган. У қурдирган масжид ва мадрасалар Тошкент ва бошқа жойларда мавжуд ва Хожанинг вақфномасида кўрсатиб берилган. Унинг энг эътиборли эзгу ишларидан бири — Самарқанд ва Бухоро аҳолисига кўмак тариқасида улар тўлай олмаган икки йиллик ер солиғини давлатга тўлашдан иборат бўлган.

Мустабид тузум даврида ўзбек халқи хайр ва саховат олий хислатини ҳеч қачон, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши вақтида ҳам унутган эмас. Халқимиз фашизмга қарши урушда ғалаба қозониш учун бор-йўғини берган, ҳаттоки аёллар ўз олтин ва кумуш тақинчоқларини моддий қўллаб-қувватлаш сифатида фронтга юборган.

Сўнгги вақтларда халқимизнинг хайр ва эҳсон фазилати янада ўзига хос тус олди ва турли соҳаларда ўз аксини топиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида Ўзбекистон диний идораси таркибида "Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилиб, амалий иш бошлади. Бу ташаббус ўзбек давлатчилиги тарихида унутилмас из қолди-

Темурий малика Гавҳаршодбегим томонидан қурдирилган жомеъ масжиди

риб, илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган вақф институтининг замонавий услубда тикланишига қаратилган бўлиб, барча мўмин-мусулмон ватандошларимиз эътибор ва ишончини ўзига жалб этмоқда.

Шунингдек, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати эълон қилиниб, муҳтож инсонлар ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш йўли очиб берилди. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намойиши бўлишига ишонаман", деган эди Президент Шавкат Мирзиёев.

Шу ўринда бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш керак. Айрим ватандошларимиз бир марта ҳаж сафарини адо қилиб, зиммаларидаги фарзни бажарган бўлсалар-да, қайта-қайта ҳаж ва умра зиёратига қизиқиб, яна бир бор муқаддас сафарга йўл оладилар. Албатта, бу зиёратларга қанча кўп борилса, савоб, лекин фарз эмас, балки суннатдир. Аммо унинг савобидан кўра, ҳаж сафари учун сарфланадиган катта маблағларни савоби кўпроқ ва фойдаси кенгроқ бўлган мақсадда сарфласалар, масалан, камбағал ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатсалар ёки муҳтожларга кўмак қилиш учун ташкил этилган хайрия фондларига топширсалар, албатта, Аллоҳ розилигига сабаб бўлиб, хайр ва эҳсон эгасига ажри азим ҳосил бўларди.

Исломда омма, яъни халқ манфаати, фардий манфаат, шахс манфаатидан устун туради. Мисол учун, нафл шаклида ижро этиладиган ҳаж ва умра савоби фақат бир кишига тегишли, лекин агар ўша йўлдаги маблағ хайр ва эҳсон учун сарфланганда, фойдаси юзлаб ва минглаб инсонларга етиб боради ва уларни очлик, камбағалликдан қутқариб, хайр ва эҳсон эгалари учун чексиз ажру савоб ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Такрорий ёки нафл ҳажини адо қилиш учун ҳар бир мўмин киши ҳеч бўлмаса 25-30 миллион сўм сарфлайди. Энди агар такрорий ҳаж зиёратини ният қилган мўмин-мусулмонлар шу миқдордаги маблағларини коронавирус пандемияси сабабли ҳаж маросими тўхтатилган оғир шароитда ҳожатманд кишиларга тарқатсалар ёки хайрия муассасалари орқали уларга ёрдам берсалар, албатта, Аллоҳ томонидан улар номига чексиз ажру савоб ёзилиши табиий.

Агар хайру эҳсон эгаси бир миқдор ўз мулки ёки бойлигини Худо йўлида вақф қилиб, Ўзбекистон диний идораси таркибидаги "Вақф" хайрия жамоат фондига топширса, бу хайрли иши билан "хайроти жория" ёки "садақаи жория", яъни доимий ажру савоб манбаи бўладиган амалга қўл урган бўлади. Масалан, агар унинг мулки, китобхонаси, сармоясидан ҳар қанча одамлар фойдаланса, унинг савоби, албатта, ўзи ва яқинларига доимий тегиб туражак.

Пайғамбаримиз айтадилар: "Инсон оламдан ўтгандан кейин у қилган жорий садақадан ташқари унинг барча алоқалари дунёдан узилади". Яна бир ҳадисда "Солиҳ фарзанд ва садақаи жория инсонга ажру савоб етиб боришига сабаб бўлади", дейилган.

Дарҳақиқат, садақа ва хайрли ишнинг савоби ундан одамларга етиб борадиган хайру манфаат миқдори билан ўлчанади. Масалан, бир қашшоқ оилани озиқ-овқат билан таъминлаш ва бир камбағал ўқувчига моддий ёрдам бериш хайрли иш, лекин юзлаб киши ўқийдиган бир мактаб қуриш ёки юзлаб оилага ёрдам бериб турган бир хайрия жамғармасига катта ёрдам кўрсатиш Аллоҳ томонидан юзлаб маротаба ажру савоб берилишига сабаб бўлади.

Шу нуқтаи назардан, Темурийлар даврида юз берган, мавзуга тегишли бир муҳим воқеани эслатиб ўтиш жоиз. XV асрда Темурийлар давлатининг бош вазири ҳазрат Алишер Навоий ҳаж ибодатини адо қилиш ниятида тайёргарлик кўриб турган чоғида Султон Ҳусайн Бойқаро у кишини ўз ҳузурига чорлаб, ушбу сафар вақтини келажакка чўзишини сўраби.

Навоий бунинг боиси нелиги билан қизиқанида Султон бундай дейди: *"Албатта, ҳаж зиёратини қилиш фарз, лекин унинг учун муайян вақт белгиланган эмас, у намоз каби вақти ўтиб қазо бўлмайди. Банда ҳар қачон вақт топиб, уни адо қилса бўлади. Энди сабабини мендан сўрамоқчи экансиз, айтишим керакки, раият муаммоларини ечиш билан мамлакатда қонунни назорат қилиш, мазлумлар додини эшитиб, уларни золимлардан нажот бериш каби муҳим ишлар Сизнинг зиммангизда турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Айтинг-чи, Сиз бир узоқ муддат мавжуд бўлмаган шароитда бу ишларни ким бажариши мумкин ва Сиздан бошқа кимга ишониб бўлади?".*

Навоий ҳазратлари Ҳусайн Бойқаронинг фикрини маъқуллаб, ҳаж сафарини келгусига қолдиради.

Пайғамбаримиз айтадилар: "Адлу соатин хайрун мин ибодати сантин", яъни бир соатлик адолат бир йиллик ибодатдан устун туради. Сиз ҳажни адо қилсангиз, унинг савоби фақат ўзингизга тегади, лекин агар бу ерда туриб адолат ўрнатиш ва халқ хизматида бўлиш барча мусулмонларнинг чексиз олқишларига сабаб бўлади ва бу йўлдан сиз учун ҳосил бўладиган савоб ва ажри азим беқиёс саналади.

Темурийлар даврида хайр ва саховат ҳаракати ҳеч қачон тўхтамаган. Алишер Навоий ота-боболаридан мерос қолган катта бойлик даромадидан бир миқдорини ўз эҳтиёжига сарфласа, қолган тўқсон фоизини хайрия ишларига ажратган. У Афғонистон ва Эрон ҳудудларида мадраса, шифохона, кутубхона, қироатхона, хонақоҳ, етимхона, боғ ва ҳовузлар, кўприк ва ариқлар каби 370 дан ортиқ хайрия иншооти қурдириб, халқ хизматига қўйган. Тоғлар ичидан ариқ қаздириб, чашмалар сувини Машҳад шаҳрига олиб келгани ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро"да ҳайратланиб маълумот беради. Булардан ташқари, ҳазрат Навоийнинг саховат ва карам дастурхони шунча кенг ёзилган эдики, ҳар йили Ихлосия хонақоҳидан минглаб кийим-кечак, сарпо, тўн, салла, пўстин ва пойабзал камбағал ва муҳтожларга тарқатиларди.

Афғонистон шимолида жойлашган қадимий Жузжон маркази Сарипул шаҳри ҳам бу карамли инсон назаридан четда қолмаган. Шаҳар ўртасидан ўтган дарё устига ҳазрат Навоий икки қаватли катта кўприк қурдирган, шу кўприк қурилгандан сўнг шаҳар Сарипул номини олган. Беш аср оша сув тошқинлари ва ер силкинишларига чидам кўрсатиб келган бу обида ҳазрат Навоий эзгу хотирасини одамлар қалбида мангу сақлайди.

Бир сўз билан айтганда, хайр-саховат, кишиларга ёрдам қўлини чўзиш инсонийликнинг энг олий хислатидир. Аждодларимиздан бизга мерос бўлган ушбу азалий қадрият, анъаналарга риоя қилиш, келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг олдимизда турган мақсадларимиздан бири. Ҳозирги кунда ҳам бунинг амалий ифодасини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Инсоният бошига келган бугунги коронавирус пандемияси шароитида ҳам кишилар чин инсонийлик тамойилларига амал қилган ҳолда юртдошларига ёрдам бермоқдалар. Давлат раҳбари ва масъул мутасаддиларнинг бу борадаги кўрсатма, тавсиялари ҳамда белгиланган тартиб-қоидаларга фуқароларимиз амал қиляпти. Зеро, бу синовли кунлар ҳам ортда қолади. Ўзбек халқи илм-маърифат, сабр-матонатли миллат. Мана шу кунларда ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, бир-биримизга кўрсатган меҳр-мурувват, хайр-саховатимиз билан ушбу синовларни, албатта, енгиб ўтамиз.

Энахон СИДДИҚОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕҲРУ МУРУВВАТ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ

Осмоннинг илоҳий қопқаси дуоларга очилган муборак кунларда юртимиздаги ҳар бир оила дастурхон устида жам бўлиб, қилган дуолари, тиловатлари кўнгилларга осойиш, офият, сокинлик бахш этаётганлигини кўриб, эртанги ёруғ, фароғатли онлар яқин эканига амин бўласиз. Барча-барча, ёши улуғларимиз бутун дунёга, жумла олам қаторида элу юртимизга тинчлик, хотиржамлик, саодатмандлик дуосидалар. Яратгандан бутун инсониятни исканжасига олган бало-қазолар тезроқ даф бўлишини сўраб илтижо қилмоқдалар.

Ана шундай қутлуғ айём кунларида юртимизда пишиқчилик... боғлар ҳосилдан майишган, олма, ўрик, узум, шафтоли, қайси мевани олманг, мўл-кўл. Оғир, таҳликали, пандемия имтиҳон қилиб турган бир пайтда Тангри таоло кўнгли оқ, меҳнаткаш, ҳар қандай ваболардан бутун иймон билан чиққан матонатли, бағрикенг халқни ҳифзи ҳимоятига олиб турганидан Аллоҳга беадад шукроналар айтасан.

Муборак ийди Рамазон арафасида юртимиздаги юз минглаб хонадонлар дарвозасини Меҳр-оқибат, Мурувват қўнғироқлари жаранглатди. Қадриабад саховатпешалик, кўмак кўнгилларга эртанги кунга ишонч, ёруғлик, файзу барокат туйғуларини олиб кирди. Пандемия ҳатто дунёдаги энг қудратли давлатларни ҳам зир титратаётган, инқироз ёқасига олиб келиб турган бир пайтда давлатимиз раҳбари, қанчалик оғир бўлмасин, ийди Қурбон ҳайити арафасида юртимиздаги эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож оилаларга катта маблағ ажратди. Президентимизнинг 2020 йил 28 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берган топшириғига кўра, ҳайит муносабати билан 150 минг оилага 200 миллиард сўм, карантин даврида даромадсиз қолган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,7 миллион оила аъзосини қамраган 400 минг оилага 380 миллиард сўм ажратилди. Хусусан, Фарғона вилоятига ажратилган 10 миллиард сўм маблағ ҳам ҳудудларга йўналтирилди ва вилоят ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари томонидан 2 кун муддатда эгаларига етказилишини таъминлаш белгиланди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокими ташаббуси яна 3 миллиард 365 миллион сўм қўшимча маблағ жами 19 минг 315 та эҳтиёжманд оилага етказиб берилмоқда. Шунингдек, ҳайит арафасида 11 минг 900 та оилага бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари уйма-уй юриб тарқатилди. Ажратилган маблағларнинг тақсимланишида ижтимоий адолатга қатъий риоя қилиниши, ўз вақтида етказилиши вилоят прокуратураси ҳузурида ташкил этилган махсус штаб томонидан назорат қилиб борилмоқда. Мазкур саховатпешаликни вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, фаоллар қўлидан қабул қилиб олаётганлар кўзида ёш қалқиб, дуо қилаётганларини кўриб, ишондикки, бу мурувват, моддий кўмак халқимизга нафақат моддий, балки маънавий куч берди, бу қийин, оғир кунларда уларга ғамхўрлик қилувчи юрт отаси турганлигини кўнгилларига муҳрлади, элимизни янада ҳамжиҳат қилди, эртанги орзу-мақсадлари атрофида бирлаштирди.

Ҳайит куни кечга яқин Қумтепа қишлоғидан танишим Дилфузахон Акбарова қўнғироқ қилиб қолди. Унинг овози хирқираб чиқарди:

— Хабарингиз бор, опа, турмуш ўртоғим вафот этган, ёлғиз ўғлим Россияда, коронавирус туфайли март ойидан бери пул жўнатмайди. Келиним ишламайди, чақалоғи бор. Гапнинг рости, ҳайит арафасида бир хамирлик унимиз қопти. Кимдан қарз сўрасак экан, деб кўзларимиз жавдираб турувди, кеча давлатимиз ёрдамини қўлимга олиб келиб беришди. Тилимга гап келмайди денг, нуқул йиғлайман, холос. Биздек қийналганларни ўйлаб, қайғураётганларни Аллоҳ паноҳида асрасин!

Маълумотларга кўра, бутун дунё иқтисодини пароканда қилаётган коронавирус туфайли ер юзида юз миллионлаб одамлар очарчилик, йўқчилик, қашшоқликка маҳкум этилмоқда. Президентимизнинг йил бошидаёқ камбағалликни камайтириш борасидаги оқилона ислоҳотлари доирасида амалга оширилаётган улкан ишлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар қандай бало, кулфатлардан омон сақлаб турибди. Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган икки ёшгача фарзанди учун нафақа олаётган оналар ва эҳтиёжмандлиги учун моддий нафақа олаётган оилалар сонини икки баробар кўпайтириш тўғрисидаги қарор замирида ҳам аҳолини шу оғир кунлардан беталафот, йўқотишларсиз олиб чиқишдек эзгу мақсад турганлигини халқимиз юрак-юракдан ҳис этиб турибди.

Ҳайит билан табриклаб, Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур пахтакор Лолахон Муротовага телефон қилдим.

— Лолахон, яхшимисиз?! Ҳайит айёмингиз қутлуғ бўлсин! Саломатлигингиз дурустми?

Лолахон ҳам ўз навбатида байрам билан қутлади.

— Ғўзаларингизнинг авжи қалай? Ҳосилга киргандир.

— Бу йил худо берди. Пилла яхши бўлди. Омборларимиз донга тўлиб-тошди. Ҳар бир ғўзада 20-22 та кўсак бор. Агар 15 тасини зараркунандалардан сақлаб, пишириб олсак ҳам режадагидан зиёда ҳосил етиштирамиз. Президентимизнинг Ҳайит муносабати билан табриги, йўқлови одамларимизнинг кайфиятини кўтариб юборди. Илойим, бошлари омон бўлсин! Қаранг, айрим давлат раҳбарлари мамлакатини бункердан туриб бошқараётган, халқининг олдига дадил чиқолмаётган бир пайтда Президентимиз ўзини аямяпти, вилоятма-вилоят, кўчама-кўча юриб, халқ билан учрашяпти, мавжуд муаммоларни жойнинг ўзида бартараф этяпти, кечаю кундуз тиниб-тинчимаяпти. Шу элнинг қайғусида сочининг қораси қолмабди. Асраб-авайлашимиз керак, бизга худо берган юртнинг отасига осон тутаётган айрим хиёнаткорлар ўзи эл учун битта чўпни олмайди, лекин бўлаётган ишларни ҳам кўролмайдиганлар борлигидан юрагим ёниб кетади.

Ҳайит муносабати билан 150 минг оилага 200 миллиард сўм, карантин даврида даромадсиз қолган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,7 миллион оила аъзосини қамраган 400 минг оилага 380 миллиард сўм ажратилди.

Ҳа, Лолахон куйинганидек, халқ бошига оғир иш тушиб турган, таҳликали вазиятдан фойдаланиб қолишни кўзлаганлар, ваҳима, умидсизлик уруғини экаётганлар, пашшадан фил ясаётганлар ғимирлаб қолганидан, афсуски, кўз юмолмаймиз. Тинчлигимиз, мамлакатимиздаги буюк ўзгаришларни кўролмасларнинг муддаолари аниқ, аҳолини эсанкиратиш, ваҳимага солиш, улуғ мақсадлардан чалғитиш, келажагига соя солиш.

Авлиё зотлар, мутафаккир боболаримиз халқнинг қайғусини чекиб, унинг розилиги учун қилинган бир соатлик адолатнинг савоби олтмиш бора қилинган ҳаж савобидан улуғроқ, муаззамроқ, деб ёзган. Бугун мамлакатимизда юрт отасининг халқнинг ризолиги йўлида, эл қайғусида кечаю кундуз қилаётган адолати, саъй-ҳаракатини оқил халқимиз кўриб-билиб турибди. Бошидан адоқсиз жабру зулмлар, бало-қазоларни ўтказган ва жасорат билан енгган халқ ҳеч қачон бу тўфонлар, қутқулар олдида эсанкирамайди, йўлидан адашмайди, ўз йўлбошчиси атрофида янада ҳамжиҳат, якдил бўлиб, бу қийинчиликлардан юксак ирода, матонат билан чиқа олади.

Не офат, балога бўлган-ку нишон,
Бу кунларни ўзбек энди кўрдими?
Тошлар тегавериб боши-ку тошдан,
Истиқлол ҳосилин бежанг ўрдими?

Бу кунлар ўтгуси, эрта туш бўлар,
Босилар дунёни босган чанг, тўзон.
Тарих саҳифасига муҳрлаб қўяр,
Кимнинг иймон билан ўтганин замон!

"Ул эски адабиёт билан янги жадид адабиёти орасида бир кўприк ташкил қилади ва эски тилнинг ширин ва ёқимли ҳаволари билан ўзининг янги ҳаволарини эшитдирмакчи бўлади"

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 август, 144-сон

Миллат фидойилари

МАОРИФ МАФТУНИ

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.



Шуҳрат РИЗАЕВ,
"Ўзбеккино" Миллий агентлиги
бош директор ўринбосари

Сиддиқийга замондошлари ҳали ўзи ҳаётлик чоғидаёқ буюклик сифатини берган эди. Дарҳақиқат, бунга унинг ижоди ва маърифатчилик фаолияти тўла шаҳодат беради

Саидаҳмад Сиддиқий-Ажзий 1864 йилда Самарқанд вилоятининг ҳозирги Жомбой туманидаги Ҳалвойи қишлоғида таваллуд топди. Барвақт етимлик, муҳтожлик Саидаҳмадни ҳаёт дорилфунунида эрта сабоқ олишга мажбур этди. Тириклик ташвишида у деҳқончилик, соатсозлик, тикув машиналарини тузатиш, тикувчилик ва тўқувчиликка уннади.

Эътиборни тортадиган жиҳат шундаки, Сиддиқий қайси касб билан шуғулланмасин, барчасида камолотга етди. Ҳунарлардан бўшаб, имкон топганида ўқиди. Янгаси қўлида хат-саводини чиқариб, Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таҳсилни давом эттирди. Арабу форс, озару ўрис тилларини ўрганди. Мусиқа санъати билан шуғулланди. Дастлаб классик шарқ шеърияти анъаналарида шеърлар машқ қилди. Хуллас, ҳавас ва ғайрати боис, замонасининг етук, билимдон зиёлиларидан бири бўлиб элга танилди. Бироқ Сиддиқийнинг ўз даврининг буюк кишиларидан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган омил, таъкидлаганимиздек, унинг маърифатчилик фаолияти ва ижодидир.

1890 йилларнинг охирларида Сиддиқий отасидан қолган кичкинагина боғни сотиб, Макка сафарига отланади. Уч йил мобайнида араб мамлакатларини кезади. Жидда шаҳридаги Россия элчихонасида бир муддат тилмочлик ҳам қилади. Ундан сўнг Россиянинг марказий шаҳарларида бўлади. Ниҳоят, Тифлисга келиб, бу ерда машҳур озар жадид зиёлилари Жалил Мамадқулизода ва Алиакбар Тойирзода Собир билан танишади. Уч йиллик сафар Сиддиқий дунёқарашининг тубдан ўзгаришига, ижодида ҳам, фаолиятида ҳам кескин бурилиш ясашга сабаб бўлади. Шу давргача ёзган ва тазкираю баёзлардан ўрин олган ишқий мавзудаги шеърларини ёқиб ташлайди. Дунёда шунча ноҳақлигу муҳтожликлар ҳукм суриб турган, етук зиёлилар ҳуррият ғояси билан ёнган бир пайтда Сиддиқий ошиқнинг ҳижрон изтиробларини куйлаб ўтиришни номуносиб иш деб билади. Миллат, маърифат, озодлик тантанаси учун курашмоқни ҳаёт маслаги, умр мазмуни деб белгилайди.

Сиддиқий 1903 йилда Ҳалвойига қайтиб, усули жадид мактаби очади. Бу ерда турли миллат ва турли табақа болаларига табиий фанлар, араб ҳам рус тилларидан сабоқ беради. Шу йиллари мактаб учун болаларбоп асарлар ёзади, рус адабиётидан, хусусан, Лев Толстойнинг қатор ҳикояларини, И.А.Крилов масалларини, Гоголнинг "Шинель" қиссасини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилади, шулар асосида дарсликлар тузади. 1914 йилда Сиддиқий ўз ташаббуси билан "Зарафшон" номли кутубхона ташкил қилади. Бу кутубхонада маҳаллий матбуот намуналари қатори Кавказ ва Туркияда чиқиб турган илғор адабиётларгача жамланган эди. Ана шулар Сиддиқий номи ва мактабини машҳур қилиб юборди. Шоир замондошларининг айтишича, Ҳалвойидаги жадид мактабига теварак-атрофдаги ўнлаб қишлоқлардан болалар келиб ўқиган.

Бу йиллар Сиддиқий ижодининг ҳам айни гуллаган йиллари эди. 1910 йилларда шоир ўзбек ва тожик тилларидаги "Айнул адаб" ("Одоб кўзи"), "Ганжинаи ҳикмат" ("Ҳикматлар хазинаси") номли икки шеърий тўпламини ҳамда "Миръоти ибрат" ("Ибрат ойнаси") ва "Анжумани арвоҳ" ("Руҳлар йиғини") номли достонларини эълон қилади. Ҳар икки достон ҳам ўткир ижтимоий масалаларга қаратилган эди. Бирида икки руҳ – Бухоронинг икки марҳум амири пайдо бўлиб, юртни вайрон, фуқарони хору муҳтож қилганларидан сўзласалар, "Миръоти ибрат"да шоир гўё ўша вайрон юртга қарши қиёс ўлароқ, хаёлий бир мамлакат манзараларини чизади. Илму фани, фазлу адаби устувор бўлган орзудаги Самарқандни тасвир этади. Самарқанд мисолида эса зиҳматкаш Туркистонни назарда тутади. Шу юртнинг бир содиқ фарзанди ўлароқ, элу улусининг равнақини, истиқболини ўйлаб куюнади, ададсиз изтиробларини яширимайди.

На раҳмата қалбимиз муносиб,
На жанната руҳимиз муносиб.
Аммома ила либоса маҳрур,
Бу тийнату суврат ила масрур.
Кофи биза бўйла шакл маргуб,
Инсон орасинда биз-да маҳсуб!

Шоир бу аҳволдан қутулиш чораларини излайди ва ягона чора маърифатда деган хулосага келади, чунки юртнинг шу ҳолга келишига сабаб истибдод зулмида эзилган халқнинг жаҳолатга маҳкум этилгани эди. Бироқ шоир маърифатни фақат илму фанни эгаллашгина деб билмайди. Ҳаммаслак замондошларидан бир қадар илгарилаб, Сиддиқий илму фан орқали сиёсий, ҳуқуқий маслаклар учун курашиш ғоясини олға суради. Илм билан бирга, илм орқали "давлат"ни, "лисон"ни ва "закун"ни эгаллаш, қўлга киритишни тарғиб этади. Истиқболни фақат ана шу "мақсуд"ларнинг амалиётида кўради.

Нуқсони жаҳолат этдим иншо,
Мақсуди бунинг-ла этдим ифшо.
Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,
Бундан ўла халқ бахти маъсуд.
Илми ала олмоқ ва фунунни,
Давлатни, лисонни ва закунни,
Ҳар қавм булардан ўлди маҳрум,
Истиқболи ҳолидан ўлар шум.

Бу шоирнинг, ўзи айтмоқчи, нафақат насиҳати, балки, биринчи навбатда, авлодларга васияти эди.

Чор цензураси ҳар икки достонни ҳам чоп этишни тақиқлайди. Сиддиқий асарларини 1912 йилда Жалил Мамадқулизода ва Алиакбар Собир кўмагида Тифлисда бостиради. Фақатгина икки йил ўтиб, "Миръоти ибрат"нинг ўзбекча нусхасини Самарқандда нашр эттиришга муваффақ бўлади.

Ҳурфикрлик ҳеч замонда силлиқ кечмаган. 1914 йили Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг жомесида мутаассиблар 5-6 минг мусулмонга қарата жадидларни ва усули жадид мактабларида ўқиётган ҳамда болаларини ўқитаётганларни кофир деб эълон қиладилар. Бу пайтда Сиддиқий Маҳмудхўжа Беҳбудий билан "Самарқанд жадидларининг бошида" (Вадуд Маҳмуд) турар эди. Бу даврда жадидчилик Туркистон бўйлаб кенг ёйилган катта куч эди. Ўша вазиятда самарқандликларни Тошкент жадидлари, кавказлик тараққийпарвар кучлар ҳимоя қилдилар.

Февраль инқилоби билан Сиддиқий ҳаётида яна муҳим воқеалар содир бўлди. У "Иттифоқ" номли ишчилар уюшмасига аъзо бўлади. Кейинроқ эса Самарқанд вилоятининг адлия ишларига раҳбарлик қилади. 1919-1920 йилларда Туркистонда марказдан юборилган "Турккомиссия" ва "Туркбюро" фаолиятининг бошланиши билан миллий ходимларга, хусусан, раҳбар ходимларга муносабатнинг ёмонлашуви, ишончсизлик ва аввалги сиёсатнинг муайян маънода давом этиши кўпгина маҳаллий зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари сусайиб сўнишига, уларни ижтимоий фаолияттан бир қадар чекинишга мажбур этади.

Бизнингча, аввало, ана шу шароит, қолаверса, соғлиғининг ёмонлашуви боис, Сиддиқий 1922 йили яна ўз қишлоғига, ўз мактабига қайтди ва умрининг охирига қадар шу мактабда мудир, ҳам ўқитувчи бўлиб ишлайди. Сиддиқий гарчи сиёсий фаолиятдан воз кечган бўлса ҳам ижодий ишдан тўхтамади. "Машраб", "Мулла Мушфиқий" каби ҳажвий журналларда, "Зарафшон" газетасида мақолалари, шеърлари, ҳажвий асарлари билан мунтазам иштирок этиб турди. "Майна", "Шашпар", "Тир", "Гумном", "Олмос" тахаллуслари билан матбуот орқали турли иллатларга қарши курашди. Бу асарлар Сиддиқийни янги давр ўзбек ҳажвчилигининг асосчиларидан бири сифатида эътироф этишга тўла ҳуқуқ беради.

Саидаҳмад Сиддиқий 1927 йил 15 июнда Ҳалвойи қишлоғида вафот этади. У ўзининг долзарб, миллат ғами, истиқбол тилаги ёлқинланиб турган шеърларини ялангоч шиорларга, чақириқларга айлантирмай, образлилик, поэтик тил ва бадиийятини сақлаб қолиш чорасини, уддасини қилди. Гарчи ишқий шеърларини ёққан, йиртган бўлсада, шеърий анъаналардан (айниқса, Фузулийдан) воз кечмади. Буюк ижодкорлик салоҳиятини намоён қилиб, холу хат, зулфу қад, лайлию мажнун-сифатликни халқ аҳволига, миллат, ҳуррият, эрк, урфон ишқига ташбеҳ этди. Ишқий шеърнинг рамзу равиш-рафторини сақлагани ҳолда ижтимоийлаштиришнинг фавқулодда уйғун йўлини топди.

Парирўлар паришон зулфитек хотир паришонам
Паришонам, недан, хотирпаришонлик-ла ҳайронам
Недан овора дашти гамда нолон кездуким, билмам,
Магар Мажнуни Лайлои нашоти базми урфонам.

Ёки
Маориф турраи мушкини савдоси-ла мафтунам,
На сеҳр этмиш бани холу хату урфони Лайлоси
Матойи маърифат бозори савдосиндаям, Ажзий,
Қаму савдо солиб бошимга бу савдони савдоси.

1920 йилларнинг зукко танқидчиларидан Турсунқул (Раҳим Ҳошим) 1928 йил "Маориф ва ўқитғувчи" журналида Сиддиқий ижоди хусусида фикр юритиб: "Ул эски адабиёт билан янги жадид адабиёти орасида бир кўприк ташкил қилади ва эски тилнинг ширин ва ёқимли ҳаволари билан ўзининг янги ҳаволарини эшитдирмакчи бўлади", деган эди. Ҳақиқатан ҳам, Ажзий мазмун ва шакл мутаносиблигини ҳар икки адабий унсурга ҳам зиён етказмай таъмин эта олгани учун ҳам яна узоқ даврлар ўқиладиган маънавий мерос қолдирди. Унинг шеърияти тарих сифатида эмас, тирик, ҳаракатдаги шеърият сифатида ўрганилади. Зеро, Сиддиқий ҳаётини нисор этган миллати ўша таҳлит ўзлигини танимай, эркини, шаънини, шавкатини қайта тикламай ожиз юришда давом этар экан, фидойи Ажзийнинг сергак руҳи ношод, шеърлари акс-садосиз нидо бўлиб чорлайверади.

Мозий – ҳақиқат тарозиси

"БУХОРО" ва "БУХОРИЙ" атамалари нимани англатади?

Шодмон ҲАЙИТОВ,
Бухоро давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори

Инсоният тарихида ўзининг қадимийлиги, бетакрор қиёфаси ва машҳурлиги билан ном чиқарган шаҳарлар бисёр. Бироқ Шарқ ва Ғарб дунёсида машҳурлик шоҳсупасига чиққан, шарифлик мақомига эга бўлган Бухоро ўзининг бетакрор меъморий обидалари, ислом оламидаги мавқеи ва ўрни билан ажралиб туради.

Сўғд, араб ва хитой манбаларида Бухоро атамасининг маъноси "Илм маскани", "Тангри жамоли", "Тангри сайқал берган шаҳар", "Зебу зийнат шаҳри", "Фохира", "Фахр ва ғурурга тўла жой", "Тепаликдаги шаҳар" каби тавсифланган. Бухоро "Қуббатул ислом" – "Ислом динининг гумбази" рутбасига эришган, "Шарқнинг Парижи", "Рим тенгдоши" каби номларга сазовор бўлган. Бухорои шариф Шарқ гавҳари, жаҳон мўъжизасидир.

Дунё тамаддуни ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ўтмишда Ғарб ва Шарқни боғловчи Буюк ипак йўлида муҳим марказ ҳисобланган Бухоро ҳамда унинг бой тарихи ҳар бир инсон қалбини тўлқинлантиради. "Бухоро" ва "Бухорий" атамаларининг ўтмишда дунё халқлари тарихида қанчалик қадр-қимматга эгалиги, юксак мавқеи ҳақида мухтасар фикр юритмоқчимиз. Айниқса, ўрта асрларда Бухоро жаҳон савдогарларининг карвонсаройи бўлган. Бир неча минг километрларга чўзилган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу шаҳар транзит савдода ҳам етакчи мавқега эга эди.

Ҳатто бухороликларнинг кенг миқёсдаги савдо-сотиғи туфайли "Бухоро" номи айрим халқларнинг кундалик маиший турмушига ҳам сингиб кетган. Ҳозиргача озарбайжонларда уйни иситадиган чўян печлар "Бухара печ" деб аталса, қоракўл теридан тикилган телпак уларда "Бухоро папах" дейилади.

XVI асрдан Россиянинг Сибирь, Волгабўйи ва Уралолди минтақаларида ўзбек миллатига мансуб минг-минглаб кишилар истиқомат қила бошлаганлар. Бу ҳудудлар билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи ва ўзаро маданий таъсир масалаларини узоқ йиллар илмий жиҳатдан ўрганган тарихчи, профессор Ҳ.Зияев қимматли маълумотларни келтирган. "XVI асрдаёқ Астраханда Ўрта осиёликларнинг Бухоро номи билан аталган колонияси (Бухоро колонияси манзилгоҳи) вужудга келган. Бухоро колониясида туркистонликлар, кошғарликлар, самарқандликлар, тошкентликлар, қисман туркманлар ҳам бўлиб, уларнинг барчаси бухоролик дейилган", деб ёзганди олим. Юқоридаги фикрдан аён бўладики, "бухоролик" тушунчаси кенг маънода бутун ўзбекларга нисбатан қўлланилган, шунингдек, "Бухоро" атамаси "Туркистон", яъни бутун минтақа маъносини ҳам ифодалаган.

Сибирда яшаган ўзбеклар Ўрта Осиёнинг қайси шаҳридан бўлмасин, ўзларини "бухоролик" деб аташ билан бирга, уларнинг карвонсаройлари, дўкон ва расталарини ҳам маҳаллий аҳоли "Бухороликлар карвонсаройи", "Бухороликлар растаси" каби номлар билан атаб келган. "Ўрта Осиё минтақасини рус ислоҳотчи подшоси Пётр I давридан (ҳукмронлиги 1682-1725 йиллар) "Бухария" деб аташ таомилга кириб, Сибирдан Волга бўйларигача бўлган ҳудудларда бу юртнинг маданий-маънавий таъсири кучли эди. Бухоро илм-фани, айниқса, адабиёти ва тарихшунослиги, ҳунармандчилик санъати, мусиқаси, меъморчилиги тилларда достон бўлиб, ҳатто кундалик турмушдаги анъанавий тартиб ва қоидалар бошқа юртларнинг халқлари учун намуна эди".

Россиянинг Тобольск, Астрахань ва Архангельск каби шаҳарларида савдо-сотиқ билан шуғулланган Кошғардан келган савдогарларни (Шарқий Туркистон, ҳозирги ХХРнинг Шинжон Уйғур мухтор районидаги Кошғар, Ғулжа, Ёркент, Кучар, Кўрла ва ҳоказо шаҳарлари савдогарлари) "кичик бухороликлар", деб аташган. Шунингдек, Европа шаҳарларидаги Шампань, Сен-Жермен, Исо меърожи, Женева, Ирбит, Нижний Новгород, Макаревск, Москва ярмаркаларида савдо-сотиқ билан шуғулланган Ўрта осиёликлар ягона ном билан "катта бухороликлар", дейилган. Ҳатто Россия империясидан мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж зиёратига жўнаб кетганларни "бухороликлар", Шарқий Туркистон (Кошғария)дан шу мақсадда йўлга чиққанларни "кичик бухороликлар", деб ҳужжатларда қайд қилиш ҳолатлари мавжуд.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё хонликларидан Туркия ҳудудларига турли сабабларга кўра, юзлаб аҳоли кўчиб борган. Уларнинг аксарияти Хожа Баҳоуддин Нақшбандий тариқатига мансуб бўлган уламолар, савдогарлар, оддий кишилар бўлган. Айниқса, Усмонийлар салтанати ҳукмдори Султон Салим II (ҳукмронлиги 1556-1574 йил)нинг бош вазири Сўқули Меҳмет пошо замонида Истанбулда уч қаватли ғиштин бино — "ўзбеклар такяси (теккеси)" қурилган. Аслида ушбу бино "бухороликлар такяси" деб номланган бўлиб, Ўрта Осиё хонликлари билан Усмонийлар салтанати ўртасидаги дипломатик, савдо ва сиёсий муносабатларнинг маркази ҳисобланган. Туркиянинг бошқа шаҳарларида қурилган, муҳожир ўзбеклар бошпанаси бўлган 20 дан ортиқ такя ҳам "Бухоро" номи билан аталганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу такяхоналарни таъмирлаш ҳақида фармон берган Султон Абдулҳамид I (ҳукмронлиги 1774 -1789 йиллар) фармонида ҳам "бухороликлар такяси", деган жумлалар келтирилиши Бухоро номи нақадар ҳурмат-эҳтиром билан олдинги ўринга қўйилганлигини билдириб турибди.

"Туркистоний" ва "Бухорий" атамалари ўтмишда бир хил маънони ифодалаши билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни давом эттирар эканмиз, хорижда "Бухорийлар" номи билан истиқомат қилган ва ҳозир оз сонли бўлса-да, ҳаёт бўлган ўзбекларнинг барчаси ҳам Бухоро музофотидан бўлмаганини айтиш жоиз. Масалан, Саудия Арабистони ва бошқа Шарқ мамлакатларидаги ўзбеклар Ўзбекистоннинг қайси шаҳридан бўлмасин, ўзини "Бухорий" деб атаганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, тарихий маълумотлар шуни исботлайдики, "Бухорий" номини олганларга мусулмон мамлакатларда алоҳида иззат-икром кўрсатилган. Ҳадис илмининг султони Имом Исмоил Бухорий(810-870) нинг ҳурмати ҳамда Бухоронинг тарихий шон-шуҳрати туфайли "Бухорийлар" 1930-1950 йилларда Туркия Республикаси ва Саудия Арабистонида 5 йилгача ҳар қандай солиқлардан дархон этилганлар. Уларга касб-кор танлашда, савдо-сотиқ билан шуғулланишда алоҳида имтиёзлар берилган. Икки муҳим далилни келтириш билан устида баҳс юритаётган мавзуга нуқта қўйишни лозим топдик.

1920-1924 йилларда БХСР ҳукуматида маориф нозири, "Бухоро ахбори" газетасининг бош муҳаррири, молия нозири, давлат назорат қўмитаси раиси каби лавозимларда ишлаган, "ўз тўшагида ўлган бирдан-бир жадид" Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965) 1922-1923 йилнинг қишида Россия саёҳатида бўлган. У саёҳат хотираларини ёзар экан: "Бухоро амирлиги даврида айрим маълумотларга кўра, Оқмасжидда (Қозоғистон) бир минг оилалик, Казалида (Казалинск) ундан кўпроқ бухороликнинг келиб ўрнашиб қолғони билинадур. Улар қайси шаҳардан бўлмасин, ўзини "бухоролик" деб аташади... Бу кўчиб келганларда шундоқ бир ўзгариш борким, уларнинг кийим-кечаклари, турмуши ва машғулотлари буткул ўзгарибди, яъни маданийлашибди, тоторлардан қиз олиб, қиз бериш тилларини ҳам торларга яқинлаштирибди. Муаллимлик қилувчилар орасида анчагина бухороликлардан чиққан қизларнинг борлигини сўзладилар" каби фикрларни келтиради.

"Бухорий" номининг яшовчан ва ҳозирги даврда ҳам ўзига хос мавқега сазовор бўлиб келаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Фарғона вилоятида илмий сафарда бўлганимизда, кекса отахон, диний уламо, икки карра ҳожилик мартабасига сазовор бўлган Муқаддас ҳожи Солмонов (1916-2010) билан кўп бор шахсий мулоқотларда бўлганмиз. Нафақат диний илмлар билимдони, шунингдек, сўзамол ва одамохун бу отахон (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) ўзаро мулоқотларимиздан бирида ҳаж зиёратида илк бор бўлганларида ногаҳон адашиб қолганликларини ҳикоя қилиб бердилар. Кеч кирганлиги туфайли ўзлари учун ажратилган чодирга етиб бориш мақсадида араб таксичиларидан бирини тўхтатадилар. Араб таксичиси отахонга қараб: "Бухориймисиз" (яъни бухороликмисиз), деб сўрайди. Фавқулодда берилган бу саволдан шошиб қолган отахон "Йўқ, йўқ, Фарғоний", деб жавоб берадилар. Такси ҳайдовчиси индамай, машинасини ҳайдаб кетиб қолади. Иккинчи такси ҳайдовчиси билан ҳам шу ҳолат такрорланган. Учинчи таксичи томонидан "Бухориймисиз", деб берилган саволга ҳожи бобо шоша-пиша "Ҳа, ҳа, Бухорий", деб жавоб қайтарадилар. Шунда ҳайдовчиси у кишини машинасида ўзбекистонликлар яшайдиган чодиргача етказиб қўяди. Отахон томонидан узатилган йўлкирани астойдил рад этаркан, араб такси ҳайдовчиси арабчада: "Бухарий, Бухарий", яъни бухорийлардан пул олиш айб иш бўлади, дейди.

Ёхуд 2010 йилларда машҳур археолог олим, Бухоро тарихи билимдони, академик А.Муҳаммаджонов билан Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Шарқшунослик институтида учрашиб қолгандик. Устоз ўзаро мулоқотда: "Сиз Бухорои шариф фарзандисиз. Бухоро "ибодатхона", деган маънони билдиради. Ўтмишда бутун илмлар ибодатхонадан тарқалган, олимлар шу масканда ижод қилган. Шунинг учун ушбу заминнинг ҳар бир қаричи муқаддас олим ва авлиёлар масканидир", деган эдилар.

Халқимизда "Оққан дарё оқаверади", деган нақл бор. Истиқлол нуридан нурафшон бўлган жаннатмакон юртимиз Ўзбекистон ва Бухорои шарифнинг истиқболи порлоқ эканлигига ишончимиз комил.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1926.
42596 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:50 Топширилди — 01:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru